



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MINISTIRLIK
KONUNCHILIK VA HUKUK-TARTIBOT UCHUN!

Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 10 февраль, пайшанба • 6 (3587)-сон

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 8-қисмига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қарори билан Ш. М. Мирзиёев Бош вазир лавозимига тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг 2-қисмига мувофиқ қуйдагилар Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари этиб тасдиқлансин:

Мирзиёев Шавкат Миромонович
Бош вазир, агросаноат комплекси раҳбари

Азимов Рустам Содикович
Бош вазирнинг биринчи ўринбосари-иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт комплекси ҳамда истеъмол товарлари ва савдо комплекси раҳбари

Тўхтаев Абдуқаҳҳор Ҳасанович
Бош вазир ўринбосари, коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари

Султонов Ўткир Тўхтамуродович
Бош вазир ўринбосари, ёқилги-энергетика, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари комплекси раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI TARKIBINI TASDIQLASH TUGRISIDA

Арипов Абдулла Нигматович
Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори, ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплекси раҳбари

Қосимов Рустам Собирович
Бош вазир ўринбосари – олий ва ўрта махсус таълим вазири, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбари

Ғаниев Элёр Маждович
Бош вазир ўринбосари – ташқи ишлар вазири, ташқи алоқалар масалалари комплекси раҳбари

Иномова Светлана Турсуновна
Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси

Абидов Оқилжон
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

Азизхўжаев Алишер Аббосович
маданият ва спорт ишлари вазири
Алматов Зокиржон
ички ишлар вазири
Ғуломов Қодир Ғафурович
мудофаа вазири

Жўраев Туробжон Икромович
халқ таълими вазири
Исмоилов Сайфиддин Умарович
қишлоқ ва сув хўжалиги вазири
Мустафоев Бўритош
адлия вазири

Назиров Феруз Ғафурович
соғлиқни сақлаш вазири
Раҳимов Саидахмад Бориевич
молия вазири
Субанов Бахтиёр Жумабоевич
фавқулдда вазиятлар вазири

ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ
Аскарлов Маҳмуджон Ахматович
Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркор-

ликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси

Аҳмедов Нурмуҳаммад
Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

Қудратов Ғофуржон Собирович
Давлат статистика қўмитаси раиси
Матлюбов Баҳодир Аҳмедович
Давлат божжона қўмитаси раиси

Парпиев Ботир Раҳматович
Давлат солиқ қўмитаси раиси
Сайфиддинов Жамшид Бадриддинович
Монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-

вожлантириш давлат қўмитаси раиси
Тўхтаев Азамат Рамзитдинович
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Абдуазизов Абдували
Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 февраль.

ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ – ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий шифохонасида ИИВ тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг 2004 йил фаолияти якунлари ва 2005 йилдаги вазифаларга бағишланган тезкор йиғилиши бўлиб ўтди.



Соҳада ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ИИВ Тиббиёт бошқармасининг бошлиғи, полковник С. Толипов маъруза қилди.

Унда иштирок этган ИИВ тизимидаги тиббиёт бўлимлари, касалхоналар ва санаторийларнинг бошлиқлари маъруза юзасидан фикр билдириб, қатор таклифлар киритдилар.

Йиғилиш сўнггида 2004 йилда хизматда йўл қўйилган камчиликларни туза-

тиш ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган вазифаларни бажариш юзасидан қарор қабул қилинди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов сўзга чиқиб, Тиббиёт бошқармаси тизими ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ва уларни амалга ошириш масалалари ҳақида тўхталди.

Суратларда: тезкор йиғилишдан лавҳалар. **Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё
Отанинг вафодор ўғли,
устознинг қобил шогирди
Ватаннинг содиқ ўғлонидир.

«Поётга» газетасининг иловаси

TV UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR, BOLAJONLAR SAHIFASI, MUNAJJIMLAR BASHORATI, SKANVORD VA KROSSVORDLAR, HAJVIYA, XANDALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI.

ТАФТИШЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ молия-иктисод тизимидаги тафтишчиларнинг бир ҳафталик ўқув-семинари ўз якунига етди. Тадбир сўнггида тингловчилар молия-иктисод, ҳуқуқ, солиқ, аудит соҳасининг етук амалиётчи мутахассислари ўтган машғулотлар бўйича имтиҳонлар топширишди. Имтиҳонларни республика ИИБ Молия-иктисод бошқармаси бошлиғи ўринбосарлари, полковниклар Ш. Исҳоқхўжаев ва Н. Мадалиев, мазкур бошқарма бўлим бошлиғи, майор А. Юсупхўжаев қабул қилдилар.



Ўқув семинари иштирокчиларига белгиланган намунадаги гувоҳномалар топширилди. Республика ИИБ Молия-иктисод бошқармаси бошлиғи, полковник Ў. Аҳмедов тадбирни якунлар экан, тафтишчиларнинг бу ерда орттирган билим ва тажрибалари уларнинг келгуси хизмат фаолиятида самара бериши шубҳасизлигини айтди. У республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимовнинг кўрсатмасига мувофиқ бундай ўқув семинарлари келгусида мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилишини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: ўқув семинари якунидан лавҳа.

ҲАРБИЙ ЖАМОАДА НАВОИЙХОНЛИК

ИИБ Қоровул кўшинларига қарашли полковник А. Сеницин сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Турғун Холиқов кириш сўзи билан очар экан, буюк аллома ва мутафаккирининг Ватанга садоқат, илм ва одоб, тўғрилиқ каби олий кадриятлар тараннум этилган ўлмас асарлари неча юз йилдирки, инсониятга хизмат қилиб келаётганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Тадбир иштирокчилари ҳарбий қисм намунали оркестри яккагон хонандаси, сержант Азимжон Хўжаназаров ижросида янграган Навоий ғазаллари билан айтилган кўшиқлардан баҳраманд бўлдилар. Оддий аскар Фарҳод Йўлдошев Хусайн Бойқаро, кичик сержант Хуршид Холматов Алишер Навоий ҳамда мактаб ўқувчиси Дилдора Раимхўжаева Гули образларини сахна кўриниши орқали гавдалантиришди.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

“Бунёдкор” ёшлар телеклубида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими қошидаги “Ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш” мажмуаси раҳбарлигида 2004 йил якуни бўйича ўтказилган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларининг сардорлари ўртасида “Энг яхши “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси” ва “Энг яхши “Маҳалла посбони” жамоат тузилмасининг сардори” кўриктанловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини рағбатлантириш тадбири бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда “Энг яхши “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси” номинацияси бўйича фахрли ўринларни А. Икромов туманидаги О. Собирова номли маҳалла, С. Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласи, Бектемир туманидаги О. Аширов номли маҳалла ва Яқкасарой туманидаги “Дамариқ” маҳаллалари эгаллади. “Энг яхши “Маҳалла посбони” жамоат тузилмасининг сардори” номинацияси бўйича эса биринчи ўрин Ҳамза туманидаги И. Акмалов номли маҳалла, иккинчи ўрин Шайхонтохур туманидаги “Тинчлик” маҳалласи, учинчи ўрин эса Сергели туманидаги Ш. Бурҳонов номли ва Чилонзор туманидаги “Меҳржон” маҳаллаларга насиб этди.

Нодира НИЗОМОВА.

«СОҲАМИЗ МАЛИКАЛАРИ» АНИҚЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририятининг ташаббуси билан ички ишлар идораларида хизмат қилаётган хотин-қизлар ўртасида “Соҳамиз маликаси” танлови ташкил этилганди. 2003 йил июнь ойидан 2004 йил декабрь ойлари мобайнида Бирлашган таҳририятнинг “Qalqon” ва “Ўқит” журналларида танловда иштирок

этишни истаганларнинг суратлари эълон қилинди. Танлов ҳайъати суратлари эълон қилинган ички ишлар ходимларининг хизмат фаолияти билан танишиб чиқди, уларнинг жамоада тутган ўрни, гўзаллиги ва аёллик латофатини ҳисобга олди.

Ҳайъат аъзоларининг қарорига кўра қуйидагилар танлов ғолиби деб топилди.

Биринчи ўрин – Навоий вилояти ИИБ ходимаси Фарида Бекназаровага;

Иккинчи ўрин – Жиззах вилояти ИИБ ходимаси Нигора Маматхўжаевага;

Учинчи ўрин – Нукус шаҳар ИИБ ходимаси Айнур Дарменкуловага берилди.

Ғолибаларни самимий муборакбод этамиз.

БУРЧИМИЗГА СОДИҚМИЗ

Кўриқлаш хизмати ходимларининг бош вазифаси ўзларига ишониб топширилган барча тоифадаги объектлар, шунингдек, фуқароларнинг хонадонлари, шахсий мулкларини кўнгилдагидек асрашдир.

Корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномаларга кўра, кўриқловдаги объектларда юз бериши мумкин бўлган ўғрилиқ, ташмачилиқ каби ҳолатларнинг олдини олиш билан бир қаторда жамоат тартибини сақлаш борасида ҳам фаол иштирок этаётган Қорақалпоғистон республикаси ИИБ Кўриқлаш бўлими ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимларининг ходимлари томонидан

ўтган йилда қатор ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда кўриқланаётган беш юзга яқин идоралар ҳамда юзга яқин фуқароларга тегишли хонадонларда кейинги беш йил давомида бирорта ўғрилиқ ёки бошқа турдаги қонунбузарлик ҳолатлари содир бўлгани йўқ.

Ўзбекистонимиздаги тезкор ҳолат ҳисобга олиниб, бизга ишониб топширилган объектларга

нисбатан ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, террорчилик актларига йўл қўймаслик мақсадида шахсий таркибнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш борасида зарур тадбирлар режаси белгилаб олинган ва у узлуксиз бажарилмоқда. Шунингдек, ходимларимизнинг бошқа хизматлар ходимлари билан биргаликда амалга ошираётган ишлари ҳам ўз самарасини бермоқда.

Эришаётган ижобий натижаларимиз ходимларимизнинг касб маҳорати, билими, иш тажрибаси ҳамда касбга садоқати, ўз бурчига виждонан ёндошувининг белгисидир. Улар бундан кейин ҳам зиммаларидаги бурчларини сидқидилдан адо этаверадилар.

Алияр АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
ИИБ хузуридаги Кўриқлаш бўлими
бошлиғи, полковник.


БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

Ҳурматли ҳамюртлар! Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида кенг жамоатчилик билан 2005 йил 18 ва 22 февраль кунлари соат 11.00 дан 13.00 гача



“Бевосита мулоқот” ўтказди. Саволларингизга ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Алишер Озодович Шарафутдинов 139-74-82 ҳамда 133-65-34 рақамли телефонлар орқали жавоб беради. Сизни тергов жараёни, айбланувчи (гумондор)нинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳуқуқий ҳимояланиш, умуман тергов соҳасига доир саволлар қизиқтирса, марҳамат мурожаат қилинг.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



РАШК ВА МУҲАББАТ

Куйидаги воқеани эшитиб хитойлик судьялар ҳайрон қолишди. Пекинлик рашкчи эр ўз хотинини ўлдириб, мурдани уч йил давомида совуткичда сақлаб келган эди. Чжао Цинсун суд жараёнида умр йўлдошини хиёнат қилгани учун 2001 йилда ўлдирганини тан олди.

Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, 1994 йилда турмуш қуришгач, улар аввал аҳил-иноқ яшашган. Кейинроқ оилада молиявий қийинчиликлар билан боғлиқ жанжаллар келиб чиқади. Бунинг устига Чжаонинг хасталиги кўшилади. Қотил эр боласига "Онанг автоаварияда ўлди", – дейди. Қайнота-қайнонасини эса "Қизларингиз бедарак йўқолди", – деб алдайди.

Цинсун сўнгги уч йил давомида яшаш жойини уч марта алмаштиради. Ҳар гал совуткичга кўшиб мурдани ҳам кўчиради. Фақат ўтган йили июль ойидагина сири фош бўлиб қолди. У вақти-вақти билан хотинининг жасадини ювиб-тараб турган, арвоҳи шод бўлсин деб ибодатлар қилган, дуо ўқиган.

Ҳозирча суд қотилга қандай жазо тайинлаши номаълум. Аммо у қайнонасига 100 минг юан (тахминан 12 минг АҚШ доллари) миқдорида товон пули тўлашга рози.

ЎҒРИ ОТА

Фарзандга меҳр-муҳаббат кишини не кўйларга солмайди, дейсиз. Босниялик ота Эдин Кантаревич ҳозир Германияда яшаётган собиқ хотинининг кўлида тарбияланаётган қизини кўргани келди.


Унга 4 ёшли Мелисса яшаётган шарт-шароит ёқмади, шекилли, қизини машинасида олиб қочди. Ўғри отани полициячилар автомобилда, ҳатто вертолётда таъқиб қилишди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари машинани тўхтатмоқчи бўлишганида, Эдин уларга қарата ўт очди. Унинг автомобилида бир нечта тўппонча, гранаталар бор эди.

"Мен полициячиларга қарата ўқ узганим йўқ, шунчаки, уларни оғохлантириш учун ҳавога отдим. Учрашганимизда қизим йиғлаганини кўриб раҳим келди. Куролларимнинг ҳаммасини уйимга келгач Хорватия полициясига топширдим. Мен Боснияда қизим билан қолишни истайман", – деди Кантаревич.

Таъқиб Босниянинг Нови-Град шаҳрида якун топди. Ота қизини қариндошларига топшириб, ўзи полиция участкасига келди. Қизалоқ бувиси билан кўришганидан хурсанд кўринади.

БАЙРАМ БАЙРАМДАЙ БЎЛСИН-ДА!

Покистонликлар ҳам қизиққон халқ. Масалан, байрам қилишмоқчи бўлишса, ҳеч бир халқдан қолишишни исташмайди. Яқинда Лахор шаҳрида Басант байрами (бахор келиши)ни қандай нишонлашгани бунинг исботи. Оммавий сайиллар чоғида варрак учиршди, осмонга ўқ узишди. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, тантаналар чоғида 20 киши ҳалок бўлди, 200 дан зиёд одам турли тан жароҳати олди.



Байрам ташкилий кўмитасининг маълум қилишича, тантаналарда қатнашиш учун турли провинциялардан, ҳатто хориждан 50 мингдан зиёд киши келган. Жабрдийдалар орасида электр токи урганлар, ўқ текканлар бор. Кейинги йилда тантаналар бундан кўра кўнгилли ўтишига, жабрланганлар сони камайишига, қатнашчилар сафи эса кенгайишига умид қилишяпти.

ОКЕАНДАГИ ФОЖИА

Атлантика океанининг шимоли-шарқий ҳудудида, Фарер ороллари яқинида Исландиянинг юк кемаси чўкиб кетди. Унинг бортида 11 киши бор эди. Ҳозиргача экипаж аъзоларидан беш нафари қутқарилгани маълум. Олти киши бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Қидирув ишлари давом этяпти. Мутахассисларнинг фикрича, кучли шамол ва тўлқинлар таъсирида кема бортидаги юкнинг сурилиб кетиши фалокатга сабаб бўлган.

БОҒДОДДА ҲАМОН НОТИНЧЛИК

Ироқда ҳар куни йўқ деганда 1-2 та кўпуровчилик содир этиляпти. 8 февраль мамлакат тарихига энг нотинч кунлардан бири сифатида кирса керак. Шу куни Ироқ Демократик партияси Бош котиби Митхал ал-Алусийга ҳужум уюштирилди. Оқибатда унинг икки ўғли ҳалок бўлди. Бош котибнинг ўзи жисман зарарлангани йўқ. Аммо бирданига икки фарзандидан жудо бўлган отанинг руҳий аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг. Бундай кўргуликни душманингизнинг ҳам бошига солмасин.

Шу куни полиция хабарларига кўра, мамлакатнинг турли нуқталарида юз берган террорчилик ҳаракатлари натижасида камида 20 киши ҳалок бўлган, 50 дан зиёд одам яраланган.


ЖАҲЛ КЕЛСА...

Россиянинг шаҳарларидан бирида ҳайдовчи пиёда ни тарсаки тортиб... ўлдириб қўйди. Аниқроғи воқеа куйидагича юз берди. Чамаси олтмиш ёшлардаги қария кўчани белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган эди. "Ниссан" машинаси ҳайдовчиси автомобилдан жаҳл билан тушиб, қоидабузар пиёдага шапалоқ тортиб юборди. Зарб шунчалик кучли бўлдики, қария йиқилиб тушиб, ўтиб кетаётган "Форд" машинаси гилдираклари остидан қолди. Жабрдийда воқеа жойида жон таслим қилди. Зўравон эса "Ниссан"га ўтириб, воқеа жойидан яширинди. Ички ишлар ходимлари пиёданинг ўлимига сабаб бўлган ҳайдовчини қидиришяпти.

САПЁРЛАР УЛГУРИШДИ

Абхазия маркази – Сухуми шаҳрида қўлбола бомба зарарсизлантирилди. Портловчи қурилма янги қурилатган "Франция" номли меҳмонхона биносига ўрнатилган экан. Бу ҳақда "Утро" газетасига Абхазия Президенти Матбуот хизмати ҳодимлари хабар беришди.

Қурувчилар соат механизми бу бомбани маҳаллий вақт билан соат 11.30 ларда кўриб қолишди ва дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати билдиришди. Воқеа жойига зудлик билан Мудофаа вазирлиги сапёрлари ва миналарни зарарсизлантириш билан шугулланувчи "Halo trust" ташкилотидан ишловчи британиялик мутахассислар етиб келишди. Бомбанинг портлашига бор-йўғи ярим соат қолган эди.



Шунинг учун портловчи қурилмани яқин ўртада йўқотишга қарор қилинди. Сапёрлар уни бино ичидан очиқ жойга олиб чиқиб, устига қум солинган қопларни уйиб ташлашди. Сўнг механизмни ишга туширишди. Маълумотларга қараганда, портлаш натижасида ҳеч ким жабрлангани йўқ, вайронагарчиликлар ҳам қайд этилмади.

Абхазия Мудофаа вазирлиги муҳандислик хизмати бошлиғи Хута Курт ўғлининг айтишича, портловчи қурилма кучи тротил эквиваленти бўйича 700-800 граммни ташкил этган. Агар механизм меҳмонхона ичида ишлаб кетганида, бинонинг олд қисми бутунлай вайрон бўларди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари тергов манфаатларини кўзлаб ҳозирча воқеа юзасидан ҳеч қандай шарҳ, изоҳ беришмаяпти.

МУҲБИР АЁЛ ТИРИКМИКАН?

Хабарингиз бўлса, Италияда нашр этиладиган "Manifesto" газетасининг муҳбири Жулиана Сгренини жума куни Боғдодда ўғирлаб кетишган эди. Аввалига "Ислом жиҳоди" ташкилоти мазкур қилмишни ўз бўйнига олди. Террорчилар Италия қўшинлари 72 соат ичида Ироқни тарк этмаса, муҳбир аёл ўлдирилишини билдиришган эди. Аммо душанба куни гуруҳ вакиллари Жулиана жосус эмаслигини, мамлакатда юз бераётган воқеалар бўйича тўғри фикрлашини айтишиб, уни озод қилишларини билдиришди.

"Жиҳод ташкилоти" гуруҳи ҳам шу журналистни гаровга олгани ҳақида баёнот бериб, унинг сўроқ ва суд қилинишини маълум қилди. Кеча эса "Муҳождлар бригадаси" ташкилоти Жулиана Сгрена жосуслиги учун қатл этилганлиги ҳақида Интернетдаги сайти орқали баёнот берди.

Италия ҳукумати вакиллари кимга ишонишни билмай ҳайрон.




ҚУТҚАРУВЧИНИНГ ЎЗИ ҲАЛОК БЎЛДИ

Кетма-кет ёғаётган қор тоғли ҳудудларда хавфли вазиятларни юзага келтиряпти. Қозоғистоннинг Чимбулоқ курорти яқинида мутахассислар қалин қор қатламини бирор фалокатга олиб келмасидан портлатишга тайёргарлик кўришаётган эди. Қутилмаганда қор кўчиб, бир киши ҳалок бўлди. Турли даражада тан жароҳати олганлар ҳам бор. Мамлакат жанубида қалин қор транспорт қатновини издан чиқарди. Айрим жойларда унинг баландлиги икки метргача етади. Сарисув туманида ўнлаб аҳоли манзилгоҳлари марказдан узилиб қолган. Ҳозир тозалаш, қутқарув ишларига Қозоғистон Мудофаа вазирлигининг 500 дан ортиқ техникаси жалб этилган.

Тожикистонда ҳам вазиятни бундан яхшироқ деб бўлмайди. Бу ерда табиий офат туфайли қурбон бўлганлар сони 12 кишига етди. Кеча мамлакатнинг Тавилдара туманида қор кўчиб, 17 ёшли йигит ҳалок бўлди.

Ҳиндистоннинг Жамма штати ва Кашмирда қутқарувчилар олти нафар полициячининг жасадини қор кўчкиси остидан топишди. Яна тўрт нафар ҳуқуқ-тартибот ходимини қидириш ишлари давом этяпти. Аммо уларнинг тирик қолганига деярли умид йўқ.



Маърифат дарси

Буюк соҳибқирон Амир Темур авлодларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февраль куни Андижонда туғилган. Фарғона вилоятининг ҳокими Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг набираси бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур сарой муҳитида ўқиб, тарбия топди. У отаси вафотидан кейин ўн икки ёшида тахтга ўтиради. Тож, тахт таллашиш, ер, сув, мулкка эга бўлиш учун кураш ўша даврда айниқса авж олган эди. Амир Темур вафотидан кейин унинг авлодлари, буюк кудратли давлатга ҳукмронлик қилиш учун бир-бирлари билан уруш олиб борардилар. Бобур ана шу курашларга барҳам бериб, буюк Амир Темур давлатини қайта тиклашга бел боғлайди.

Ўша даврда Амир Темур давлатининг маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳрини эгаллаш учун Бобур икки марта юриш қилди, муваффақиятсизликдан чекинмади. Ниҳоят 1497-98 йиллардаги жангларда ғалаба қозониб, шаҳарни эгаллайди. У улуг бобоси Амир Темур давлатини қайта тиклаш йўлидаги ҳаракати ижобат бўлаётганидан ниҳоятда қувонади. Бироқ бу шодлик узоққа чўзилмади. Уч ойдан кўпроқ, аниқроғи юз кун ўтганда Андижонда унга қарши ғалаён кўтарилди. Исёни бостириш учун Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Ўзи туғилиб ўсган шаҳар ғаним қўлига ўтгани учун уни жанг қилиб қайтариб олишга тўғри келади. Андижонни эгаллаб, тартиб ўрнатиб Самарқандга қайтади ва уни иккинчи марта

жанг билан эгаллайди. 1500 йилда тахтга ўтиргач, Темурийлар пойтахтини янада гуллаб яшратишга киришади. Унинг буюк давлатни қайта тикланишига умиди бор эди. Бироқ бу пайтда жуда катта қўшин билан Шайбонийхон Самарқандга юриш бошлаганиди. Бобурнинг оз сонли қўшини гарчи мардларча жанг қилсада, чекинишга мажбур бўлади. Шайбонийхон тахтни эгаллагандан кейин қўл тузилиб, Бобур Самарқандни ташлаб чиқиб кетади.

ни давлат ҳудудларини кенгайтириш, ободончилик, меъморчилик ишларига қаратади. Масжид ва мадрасалар қурдиради.

Бобур йирик марказлашган давлат қуриш орзусини шу ерда амалга ошира бошлайди. У дастлаб Кондаҳор вилоятини эгаллагач, Ҳиндистон сари юриш бошлайди.

Темурийзодалардан бўлган Бобур маҳоратли саркарда бўлган. У қўшинларнинг ҳарбий тайёргарлигига катта эътибор беради.

дан, тарқоқ ҳинд феодалликларини бирлаштириб, буюк мўғуллар салтанатини тузади. Кейинчалик дунёга буюк ҳинд салтанати билан машҳур бўлади. Ўша даврда Ҳинд ерида аҳоли учта асосий динга эътиқод қилувчилар яшарди. Ислоом, будда ва христиан динидаги кишилар ўртасида мунтазам келишмовчиликлар чиқиб, қонли курашгача боради. Бобур улар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, ўзаро муроसाга келишга астойдил киришади.

ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун элчилар юборади. Шарқ меъморчилигининг бетакрор намуналари сифатида қурилган бинолар ҳукмдор ҳурматини омма ўртасида ошириб боради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарих саҳифасида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакилларида бири сифатида ўрин эгаллайди. У болалик чоғларидан адабиётга қизиқди. Мумтоз адабиёт намуналарини севиб мутолаа қилди. Шу билан бирга шеърлар ёзишни

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Тарихдан маълумки, Бобур буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийга катта ҳурмат билан қараган. Ўзбек адабий тилининг беқиёс асосчиларидан бири сифатида баҳолаб, унинг ижодидан баҳраманд бўлади. Навоийнинг илм ўрганишининг бебаҳо хусусиятларини талқин этган гоёларини давом эттиради. Гарчи илм олиш учун етарли шарт-шароит яратиб берса-да, кўпчиликнинг илмига бўлган иштиёқи камлигидан афсусланади.

Бобур шоҳ сифатида мамлакатда суд ишларини адолат юзасидан ҳал этишга эришиш учун жиждий ҳаракат қилган. Кўп динлик мамлакатда ҳар қандай масалани илоҳий китобларда белгиланган тарзда, замон талабидан келиб чиққан ҳолда ечилишини талаб қилган. Унинг 1521 тилда ёзилган "Мубайин" номи хуқуқшуносликка оид китоби солиқ ва бошқа масалаларни адолатли ҳал этишда ўзи ва авлодлари ҳукмронлик қилган даврда муҳим қўлланма сифатида катта ўрин тутган.

Бобур шунингдек, мусика, ҳарбий соҳалар бўйича ҳам рисоалар ёзиб қолдирган.

Темурийзодалар орасида истеъдодли кишилар, аниқроғи ҳукмдорлар кўп бўлса-да Бобурнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

У сахийлик, мардлик, беқиёс истеъдод, илм-фанга, санъатга муҳаббат, энг муҳими, ана шу хислатларни амалда қўллаши билан улугворликка эришган. Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби Жаҳоҳирлал Неру буюк бобомизга шундай баҳо беради: "Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг тирик ҳукмдори мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди..."

ШОҲ ВА ШОИР

У икки-уч йил қўшин тўплаб, Шайбонийхондан Самарқандни тортиб олмоқчи бўлади. Бироқ ғалабага эришишга кўзи етмагач Афғонистонга ўтиб кетади. У ерда Қобул ва Фазна вилоятларини бирлаштириб, ягона давлат тузиб, ўзини шоҳ деб эълон қилади. Афғон, турк қабилаларидан иборат давлатни ҳар томонлама ривожлантиришга киришади.

Бобур Самарқандни яна эгаллаш ва улуг бобоси ўтирган тахт вориси бўлиш ниятидан қайтмаган эди. У аввалига Хусайн Байқаро томонида туриб Шайбонийхон билан уришади, кейин Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан биргаликда юриш қилади ва Самарқандни эгаллайди. Бироқ шиа мазҳабидаги эронийлар билан тил бириктиргани аҳолида норозилик уйғотади. Орадан икки йил ўтиб, шайбонийлар яна ҳужум бошлайди. Кўпчилик улар томонга ўтиб кетади. Шу тариқа Бобур Темур давлатини қайта тиклаш орзусига ета олмади, умуман ўз юртини қайтиб кўрмади. Қобулга қайтгандан кейин асосий эътибор

Уларнинг мунтазам машқ қилиб туришларига имкон яратади. Айниқса, тоғли ҳудудларда жанг қилишга пухта ўргатилади. Шу боис



ҳам Ҳиндистонга бостириб борганда, бир неча бор кўп аскарга эга бўлган ҳинд қўшинини ёнгади.

Гарчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни босқинчилик йўли билан эгаллаган бўлса-да ҳинд халқи кейинчалик уни чуқур ҳурмат билан тилга ола бошлайди. Чунки биринчи-

Масжид, будда ибодатхонаси ва христианлар учун черковни бир жойда қурдиради. Шаҳарлар, айниқса Дехли ва Агранинг ободон-

машқ қила бошлади. Муттасил юришлар жанглардан бўш пайтида албатта ижод билан шугулланди. Унинг ижодиётида кўп йиллик тарихни ўз ичига олган "Бобурнома" асари катта аҳамиятга моликдир.

Бобур қаламига мансуб 100 дан ортиқ ғазал, 200га яқин рубоийсини ўз ичига олган девонининг асл нусхалари Париж ва Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади. Шоир лирикасида ҳаёт ҳақиқатлари ишқ ва гўзаллик, май ва шодлик, табиатга муҳаббат шарқ шеъриятининг аъёнасидаги образлар орқали ифодаланади.

Бобур рубоийларида инсонлар бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлиши, яхшилик уруғини сочиш, зулм ва ёмонликни қоралаш асосий ўрин эгаллайди. Маърифатпарварлик гоёлари билан сугорилган рубоийлари орқали шоир бутун вужуди билан эзгуликка интилади.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир. Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз:

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан

«ЖАҲОНГА БАХТ КЕЛУР — АБАДИЙ БАҲОР!»

Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбек (1905–1968 йй) Тошкентда, бўзчи оиласида дунёга келди. У болалигида Окмасжид маҳалласидаги "Намуна" деб аталувчи эски мактабда бошланғич таълим олди. Илмга чанқоқ бўлган бу инсон олий таълим муассасаларида таълим олди.

Ойбекнинг иш фаолияти талабалик йилларидаёқ бошланган. У ўрта мактабда, техникумда, ишчилар факультети, халқ хўжалиги, педагогика ва қишлоқ хўжалиги институтларида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Қатор олий ўқув юртлари ўқитувчиси, Фанлар академиясининг гуманитар фанлар бўлими бошлиғи, Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида фаолият юритди. "Шарқ юлдузи" журналининг муҳаррири бўлиб ишлади. У қаерда, қайси ла-

возимда фаолият кўрсатмасини ўз билими, тажрибаси, асосийси, инсонийлик фазилатлари билан обрў, ҳурмат топди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда Ойбек ўзининг ташкилотчилик, раҳбарлик қобилиятини яна бир бор намойиш этди...

... Ойбек ва унинг қаламкаш дўстлари Файратий, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳорлар олдида... ўзбек халқининг бадиий маданиятини янги тараққиёт босқичига кўтариш вазифаси турарди. Бу масъулиятли вазифани бажариш осон кечмади.

Ойбек ўзбек адабиётини Абдулла Қодирийлар олиб чиққан янги ижодий юксакликка кўтаришнинг барча нозик жиҳатларини ниҳоятда зийраклик билан кўрди, — деб ёзганди профессор Н. Каримов.

Давр ва унинг йўналиши Ойбек ижодида ўзининг ёрқин

бадиий аксини топди. У ўз шеърларида даврнинг энг долзарб масалаларини ўзбек адабиётига олиб кирди. Унинг ижодида хотин-қизлар мавзуси салмоқли ўрин эгаллади. 30-йилларда ёзилган "Кўр қизга", "Ўзбек қизининг бахти" каби шеърлари, "Дилбар-давр қизи", "Бахтигул ва Соғиндик", "Гулноз" каби достонлари фикримизнинг далилидир. Унинг "Қутлуғ қон" романи эса болалик хотиралари асосида ёзилган эди. "Қутлуғ қон", "Улуғ йўл" ва "Навоий" романларини Ойбек ижодининг гултожи десак, янглишмаймиз.

Шарқ мумтоз адабиётини, хусусан, Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганган профессор Е. Бертельс ўз мақолаларидан бирида "Агар мен Ойбек билан танишмаганимда, Навоий ҳақидаги фикрларидан баҳраманд бўлмаганимда бу улуг шоир ҳақидаги тадқиқотларимни яратишим амри маҳол

эди", — дегани Ойбек ижодига берилган улкан баҳодир. Унинг таржимонлик фаолияти ҳам юксак таҳсинга лойиқ. Ойбек Пушкиннинг "Евгений Онегин" шеърий романини, арманларнинг "Довуд Сосуний" эпосини, Мольернинг "Портуяр", Лермонтовнинг "Маскарад"ини, Ҳейне, Крилов, Белинский асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

1937 йилда Ойбек "миллатчи", "миллий иттиҳодчилар хайрихоҳи" сифатида ишдан олинди. 50-йиллардаги қатағонлар таъқиби туфайли инсульт касалига йўлиқди ва шу касаллик унинг умрига зомин бўлди.

Ҳукуматимиз ажойиб лирик шоир, ёзувчи ва олим хотирасини ҳурматлаб, Тошкентдаги бир мактаб, метро бекати, Термиз давлат университетини Ойбек номи билан атади. Мустақиллик шарофати ила буюк инсоннинг руҳи янада шод бўлди — ҳукуматимиз:



Қалбимда давримнинг жароҳати бор, Шунинг-чундир шеърим газабдор вулқон. Жаҳонга бахт келур — абадий баҳор! Зулми, кишанни унутар инсон!

— дея наъра тортган Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбекнинг адабиётимиз, халқимиз олдидаги хизматларини инобатга олиб, уни "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлади.

Умумот ТҮҲЧИЕВ,
филология фанлари доктори.

Хориж тажрибасидан

Америкалик мутахассисларнинг фикрича, террорчиларнинг оммавий қиргин қуроли (ОҚК)ни қўлга киритиши ва қўллаши эҳтимоли жаҳонга катта хавф солади. Шунинг учун АҚШ ОҚКнинг тарқалишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқда.

Марказий разведка бошқармаси директори Ж. Тенет 1998 йил 28 январда АҚШ конгрессида қилган чиқишида террорчилар сўнгги пайтларда ОҚКга қаттиқ қизиқиб қолгани ташвишланарли ҳол эканлигини таъкидлаганди. У террорчилар айниқса, биологик қуролини осонлик билан қўлга киритиши ёки ихтиро қилиши мумкинлигини айтганди.

Америкалик мутахассислар биринчи галда диний-экстремистик ташкилотлар, хусусан, Усома бин Лоден бошчилигидаги “Ал Қоида” ташкилоти хуружидан қаттиқ хавотирда. Катта молиявий маблағларга эга бўлган бу миллионер сайёрамизнинг турли нуқталаридаги террорчилик гуруҳларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. АҚШ разведка ходимлари террорчилар айрим уюшган жиноий гуруҳлар кўмагида ҳам оммавий қиргин қуролига эга бўлишга интилишларини назардан қочиришмаяпти. Хусусан, ихчамгина жомдонларга жойлаштириш мумкин бўлган кичик, қулай ядро қуроли мавжудлиги эҳтимоли уларнинг хавотирини оширмоқда. Бундай “юк”ни икки киши дунёнинг исталаган нуқтасига олиб бориб, “ишга тушира” олади.

Баъзи оммавий ахборот воситаларида вақти-вақти билан турли юқумли касалликларни тарқата оладиган биологик қуроли ҳақида хабарлар пайдо бўлиб турибди. Уларни яратиш учун кўп маблағ талаб этилмайди. Бунинг устига тинч мақсадларга қаратилган биологик лабораториялар билан биологик қурол тайёрловчи лабораториялар бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

1977 йилда сунъий ген ёрдамида оқсилни клонлаштириш кашф этилгач, ген муҳандислиги ривожланиб кетди. Бу эса биоқуроли тараққиётига ҳам туртки бўлди. Бундай қуролининг террорчилар қўлига тушиши айниқса шаҳарларда зич яшовчи аҳоли учун катта хавф тугдиради.

АҚШнинг собиқ Президенти Б. Клинтон маъмурияти ОҚК мамлакат миллий хавфсизлигига жиддий хавф солишини ҳисобга олди. Жумладан, 1995 йил июнида Президент томонидан имзоланган “АҚШнинг аксилтеррор сиёсати” номи хужжатида террорчилар томонидан ядро, биологик ёки кимёвий қуроли (материаллар) қўлланилганда

хавфсизлик чоралари кўришни ташкил этиш етакчи йўналиш қилиб белгиланган.

Ушбу хужжатда ОҚК

фоқчиларига ядро хужуми, кимёвий ёки биологик хужум қилинган тақдирда, ядро қуролини қўллаб жавоб қайтариши мумкинлиги кўзда тутилган. 1998 йил 22 майдаги 62-сонли директивада эса терроризмга қарши кураш АҚШ миллий хавфсизлигини таъминлашда етакчи йўналиш эканлиги таъкидланган. Террорчилар оммавий қиргин қуроли, компьютер технологиялари ёрдамида мамлакатнинг йирик иқтисодий иншоотлари ва ҳаётимухим инфратузилмаларига хавф солиш эҳтимоли борлиги назарда тутилган. Шунинг учун ушбу хужжат терроризмга қарши кураш вазифалари доирасига кирувчи қатор агентликларнинг

ни жиноят сифатида тавсифлайди. АҚШ дунёнинг бошқа мамлакатларини ҳам юқоридагига ўхшаш қонунлар қабул қилишга ундаяпти.

АҚШ Қуроли Кучларида қўшинларнинг тиббий химояланганлиги жанговар шайликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг собиқ Мудофаа вазир У. Коэн 1997 йил декабрида Қуроли Кучларнинг барча таркибий қисмини, жумладан, захирасини ҳам (2,4 млн. киши) 2005 йилгача куйдирги касаллигига қарши тўла эмлаш ҳақида қарор қабул қилди.

1996 йилда АҚШда оммавий қиргин қуролидан мудофаа тўғрисида қонун

АҚШ раҳбариятининг превентив зарбалар бериш борасидаги баёнотлари жиддий эканлигини “Ал Қоида”нинг Афғонистондаги лагерлари ва базаларига ўз вақтида ракета зарбалари бергани ҳам исботланган эди.

Аксилтеррор кураши борасида олдида қўйилган янги вазифалардан келиб чиқиб мамлакат Мудофаа вазирлиги ўз тузимлари фаолиятини қайта қураётти. Масалан, Қуруқлик қўшинлари Миллий гвардияси базасида кимёвий ва биологик қуроли қўлланилганда вазиятни тез баҳолаб, чора кўрувчи 10 та гуруҳ (RAID) тузилди. Ҳар бири 22 кишидан иборат ушбу гуруҳлар АҚШнинг турли штатларида жойлашган. Уларга бошқа бўлинмалар ҳам зарур ҳолларда ёрдам беради. Махсус гуруҳлар воқеа жойига узоғи билан 4 соат ичида етиб бориши керак.

Махсус дастур доирасида 10 мингдан ортиқ кутқарувчи дастлабки тайёргарликдан ўтиб бўлди. Бунда энг муҳими кимёвий ва биологик хужумни бир-биридан фарқлаш. Чунки кимёвий қурол қўлланилганда одамлар зудлик билан хавфсиз жойга кўчирилади. Биологик қурол ишлатилганда эса карантин эълон қилинади, касаллик тарқалган ҳудуд ўраб олиниб, ажратиб қўйилади. Акс ҳолда юқумли касалликлар атрофга тарқалиб кетиши мумкин. RAID гуруҳлари хужум турини аниқлаш ва тегишли чоралар кўришда маҳаллий ҳокимиятларга кўмаклашади.

Федерал тергов бюроси олдида кимёвий ва биологик қуролидан фойдаланилиб, амалга оширилиши эҳтимоли бўлган террорчилик хуружларини таҳлил қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Конгреснинг қарорига кўра, Адлия вазирлиги беш йилга мўлжалланган аксилтеррор режасини тузади, унинг технологик таъминотини режалаштиради. Бунда асосий эътибор террорчилар қўлига ОҚК тушиб қолмаслиги, аҳолини ва ҳокимиятни ОҚК қўлланилганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаб бориш чораларини кўришга қаратилади.

Бундан ташқари АҚШ Мудофаа вазирлигида ҳам ОҚК хавфини камайтириш бўйича агентлик (DTRA) фаолият кўрсатади. DTRA АҚШ даги турли разведка тузилмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Уларнинг вакиллари мазкур агентлик маслаҳат кенгашига аъзо ҳисобланишади.

ОММАВИЙ ҚИРГИН ҚУРОЛЛАРИ



ХАВФИГА ҚАРШИ КУРАШ

қўлланилиб содир этилган террорчилик ҳаракатлари туфайли юзага келган инқироз ҳолатларида, инқироздан кейин давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси илгари сурилган. Давлат департаментига хорижда юзага келадиган инқироз ҳолатларда амалга ошириладиган тадбирлар учун жавобгарлик юклатилган. Фавқулодда ҳолатларни бошқариш бўйича агентлик эса федерал режаларнинг террорчилар ОҚК қўлагач, унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича вазифаларга мувофиқ бўлишини таъминлаши керак. Пентагон ва Федерал тергов бюросига тегишли вазифалар ҳам белгилаб берилган.

1997 йилда ноябрида АҚШнинг ядро қуролини қўллаш бўйича стратегиясини бир қадар аниқлаштирувчи Президент директиваси қабул қилинди. Мазкур хужжатга кўра, АҚШ ўз ҳудудига, хориждаги қўшинларига, Европадаги НАТО доирасидаги итти-

ваколатларини кенгайтирди. Транспортда хавфсизлик чоралари кучайтирилди, компьютер бошқаруви тизими хавфсизлиги оширилди.

Б. Клинтон 1998 йил май ойида АҚШга биоҳужум содир этилгудай бўлса, аҳолини эмлаш учун етарли миқдорда вакциналар ва антибиотиклар захирасини яратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари АҚШ халқаро майдонда ҳам кимёвий ва биологик хавфга қарши кураш олиб бораёпти. 1990 йилда АҚШда аксилтеррор қонуни қабул қилинди. Унга кўра биологик қуролини қўллаганлар ёки қўллашга уринганлар жаримага тортилишдан бошлаб умрбод қамоққача бўлган жазоларга ҳукм этиладилар. Бундан ташқари, мамлакатда 1994 йилда ОҚКни қўллаш тўғрисида қонун қабул қилинди, мазкур қонун кимёвий ва биологик қуроли, шунингдек, одамлар ҳаёти учун хавфли бўлган, радиоактив материаллардан фойдаланиш-

қабул қилинди. Унинг асосида тузилган махсус дастурда биринчи галда мазкур хавфга дуч келувчилар (ўт ўчирувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва тиббиёт ходимлари)нинг тайёргарлик даражасини оширишга асосий эътибор қаратилди. Дастурга кўра, миллий гвардия бўлинмалари мамлакатнинг 10 та штатида террорчилар ОҚК қўллаши оқибатларини бартараф этишда штатлар ва маҳаллий ҳокимиятларга ёрдам бериш бўйича махсус тайёргарликдан ўтишади. Дастур муаллифларидан бири, сенатор Р. Лугарнинг фикрича, энг яхшиси хавфни пайдо бўлган ўчоғида маҳв этиш, яъни террорчиларга превентив (олдиндан) зарба берган маъқул. АҚШда мазкур дастур учун 1998 молиявий йилда 381 млн АҚШ доллари, 1999 молиявий йилда эса 440 млн АҚШ доллари ажратилган эди. Кейинги йилларда ҳам ушбу мақсадларга сарфланаётган маблағларнинг камайгани аниқ.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Маълумки, 2004 йил 10 декабрь куни Олий Мажлис биносида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисида Битим имзоланганди. Ҳўш, ушбу Битимдан кўзланган мақсад нима эди?

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганига қарийб 13 йил бўлапти. Ана шу давр мобайнида жаҳонга мустақил давлат сифатида танилиб, кўпгина халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз парламенти мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳал-

асосларидан бири, демократик институтларнинг ташкил этилгани ва фаолият кўрсатаётганлигини эътироф этиш мумкин.

Сўнги йилларда, демократик институтлардан бири, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг мамлакатимизда олиб бораётган ишларини ижобий баҳо-

Ушбу Битим 9 моддадан иборат бўлиб, 1-моддасида Омбудсман билан Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга доир чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга оид ҳаракатларни биргаликда ўтказишни назарда тутди. Битимнинг 2-моддасида эса, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича мониторинг олиб бориш, фуқароларнинг ички ишлар идоралари хо-

Битимнинг 3-моддаси ҳамкорликни халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар асосида амалга ошириш учун марказий ва минтақавий миқёсдаги вакиллардан иборат доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳини тузишни назарда тутди.

Маълумки, жойларда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳудудий вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудий вакиллар вилоят ва шаҳарларда ички ишлар идоралари билан узвий алоқада бўлган ҳолда ушбу битимга асосан амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқишлари керак. Бу ҳолат ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ

лиги махсус маърузаларда эътироф этилган эди.

Битимга биноан жазони ижро этиш тизимида Омбудсман лавозимининг жорий этилиши муассаса ходимлари томонидан содир этиладиган қонунбузарликларнинг олдини олиш, маҳбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш жараёнини назорат қилиш имконини беради. Унинг 5-моддасига асосан, томонлар ўзаро келишилган ҳолда давр талабларидан келиб чиқиб, ушбу ҳужжатга ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритишлари мумкин. Қўшимчалар ва ўзгартишлар тартиби томонлар ҳамкорлигида тузилган баённома билан расмийлаштирилади. 6-мод-

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қаро ҳужжатларни ратификация қилди. Сўнги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар ўзбек тилида нашр қилиниб, олий ўқув юртлири талабалари, академик-лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат хизматчилари учун қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти фақатгина давлатларнинг ички ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб келган бўлса, мустақилликка эришилгандан кейин ахвол тубдан ўзгариб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан ички ишлар идоралари фаолияти ҳам миллий қонунчилик нормалари билан биргаликда халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган бўлди. Жумладан, 2004 йилда одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятига тааллуқли 24 та халқаро шартномалар ўзбек тилига таржима қилиниб, "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига оид халқаро ҳужжатлар" тўплами 5000 нусхада нашрдан чиқди.

Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлган Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни борган сари кўпроқ ишлаб чиқиб, қабул қилмоқда. Бугунги кунга келиб, Парламентимиз томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид қонунлар 150 дан ортди. Ана шу қонунлар ва Ўзбекистон ратификация қилган халқаро ҳужжатлар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мажбуриятини юклармоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий-ҳуқуқий, ташкилий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Унинг ташкилий

лаш мумкин. Инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилувчи бу ташкилот билан барча давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан ички ишлар органлари ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Омбудсманнинг ички ишлар идоралари билан ҳамкорлиги фақат суриштирув, дастлабки тергов ёки маҳбуслар билан муомалада улар ҳуқуқини таъминлашда эмас, балки ички ишлар идоралари ҳар бир ходимнинг кундалик иш фаолиятида ҳар бир фуқаро билан ўзаро мулоқотларида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

димларининг ҳаракатлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар бўйича ҳамкорликда текширувлар олиб бориш, ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш ҳамда уларга риоя этиш соҳасидаги вазиятни таҳлил этиш, томонлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти тўғрисида мунтазам ахборот алмашиш, инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар бўйича ўтказилаётган мажлислар, ҳайъат йиғилишларида иштирок этиш ва бошқа шу каби бир неча йўналишлар белгилаб қўйилган.

ва эркинликларини таъминлашда, ички ишлар идораларининг минтақавий вакили билан ҳамкорликлари самарали бўлишида кўл келади. Битимнинг 4-моддасида айбланувчилар, ҳибсга олинганлар ва маҳкумлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида томонлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш муассасаларида Омбудсман лавозимини таъсис этишни назарда тутди. Маълумки, республикамиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар жараёнида, ИИВ жазони ижро этиш

дада битим талабларини бажариш бўйича назорат қилиш ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказилиши белгилаб қўйилган.


7-моддада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишга ёрдамлашиш ва кўмаклашиш мажбуриятлари томонлар зиммасида эканлиги ҳуқуқий мустақамлаб қўйилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилувчи Омбудсманга фуқаролар билан ўзаро муносабатларида ички ишлар ходимларининг иштирок этишига эътибор берилиш назарда тутилади.

Битимнинг 8-моддасида ушбу меъёрий ҳужжатда қайд этилган қоидаларнинг қўлланилиши ва шарҳланишига оид низолар ҳамда келишмовчиликлар, Омбудсман билан Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этилиши эътироф этилади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш амалиётида, бу каби ҳолатлар учраб туриши мумкин. Битимнинг охириги 9-моддасида эса, ҳужжатнинг кучга кириш ва амал қилиш тартиби, тўхтатиш сабаблари кўрсатилган.

Умуман олганда, бу Битимнинг қабул қилиниши, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш механизмининг яратилганлиги, бу соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ушбу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши, БМТнинг конвенцион ҳужжатлари, хусусан қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган конвенция талабларини бажаришдаги саъй-ҳаракатлардан биридир.

Абдуғафур САТТАРОВ,
ИИВ Тергов Бош бошқармаси
масъул ходими,
юридик фанлар доктори.



Суратда: ИИВ Тергов Бош бошқармаси масъул ходими, полковник А. Саттаров (ўнгда) ва терговчи, капитан О. Шодиевлар иш устида.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлмоғи керак.

Бунинг учун эса, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардан ташқари, Омбудсман билан ички ишлар идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш шароити вужудга келди. Ана шунини эътиборга олган ҳолда, ҳамжихатликни янада мустақамлаш мақсадида, 2004 йил 10 декабрда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Ички ишлар вазирлиги ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисида Битим имзоланди.

Ушбу моддада зикр этилган ҳар бир йўналишлар бўйича олиб борилган ишлар юзасидан доимий равишда ахборот ва маълумотлар алмашиш йўли билан хабардор бўлиб туришлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга оид таклифларни давлат органларига юбориш чораларини қўришлари керак.

2-модда талабларига мувофиқ, инсон ҳуқуқларига оид долзарб масалалар фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ва сабабларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага етказиб туриш каби тадбирларни ҳам амалга оширадilar.

муассасаларида маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жазони ижро этиш муассасалари жаҳон андозаларига мос ҳолда, халқаро ҳуқуқ талаблари даражасида таъмирланмоқда ва жиҳозланмоқда. Сўнги 3-4 йил мобайнида кўпгина халқаро ташкилотлар вакиллари Омбудсман билан бирга жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумларнинг яшаш шароитлари ва улар ҳуқуқларини таъминлашга оид масалалар билан танишиб, ички ишлар ходимлари томонидан қонунбузарликлар ва салбий ҳолатларга йўл қўйилаётган-

Тергов хизмати фаолиятидан

МИНТАҚАВИЙ ЙИФИЛИШ

Қарши шаҳрида 2004 йил якунлари ва жорий йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ИИБлари тергов бошқармалари бўлим, бўлинма ва гуруҳ бошлиқлари иштирокида минтақавий йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, полковник В.Ходжаев олиб борди.

Кенгайтирилган мажлисда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ИИБ тергов бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, подполковник Р.Зоҳиров, майор А.Музаффаровнинг ахборотлари тингланди. Нотиқлар соҳа вакилларининг ўтган йилги фаолияти, фуқаролардан тушган ариза, шикоятлар билан ишлаш, уларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчларини тушунтириш ҳамда бу

борада амалга оширилган тарғибот ишларини атрофлича таҳлил қилишди.

Йиғилишда республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, полковник А.Шарафутдинов, Бош бошқарманинг масъул ходими, полковник А.Сатторовларнинг "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига оид халқаро ҳужжатлар тўплами"га киририлган, Ўзбекистон томонидан тан олинган 75 та халқаро ҳужжат-

лар ижроси ва тарғиботи бўйича маърузалари тингланди.

Кенгашида Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Х.Шернаев, Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ю.Худойбергановлар иштирок этди.

Минтақавий йиғилиш якунида муҳофизат этилган масалалар ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Содиқ РАҲИМОВ.

«ҲЕЧ КИМ НОҲАҚ АЙБЛАНМАСИН»

ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ ИИБ ТЕРГОВ БЎЛИНМАСИ КАТТА ТЕРГОВЧИСИ, ПОДПОЛКОВНИК ЖАМИЛА СУЛТОНОВА БИЛАН СУХБАТИМИЗ КАСБГА ОИД САВОЛ БИЛАН БОШЛАНДИ.

— Жамилахон, соҳага қандай келиб қолгансиз?

— Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ шу касбга меҳрим тушди. Аммо уни эгаллаш осон бўлмади. Мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирдим. Университетни имтиёзли диплом билан тугалладим. Республика ИИБ йўлланмаси билан Қашқадарё вилояти ички ишлар идораларига ишга келдим. 1982 йил август ойида Шаҳрисабз тумани ИИБга терговчиликка тайинландим. Хозиргача шу ерда ишлаяпман. Тўрт фарзандим бор. Ўғлим Фирдавс катта йигит бўлиб қолди. Фотима ва Зухра аллақачон кўлимдан ишимни олишган. Эркатоим Захро ҳам уй ишларига кўмаклашади. Ишдан чарчаб, баъзан кеч қайтган пайтларимда ана шу дилбандларим чарчоғимни олишади. Улар даврасида қайта кучга тўламан.

— Мақсадга эришган экансиз, орзуингиз нима?

— Терговчи ўз фаолиятида албатта жиноятга алоқадор шахс билан юзма-юз учрашади. Уни сўроққа тутади. Жиноятга қўл уриш сабабларини сўрайди. Гумондор чалғимаслиги, у бўлиб ўтган воқеани аниқ далиллар билан рост сўзлаши учун терговчи барча шароитни яратиб беради. Токи ҳар бир шахс тергов ва суд жараёнида ноҳақ айбланмасин. Ягона орзуим, инсон жиноятга қўл урмаса, ҳар доим тергов амалиётига адолат билан ёндашсам дейман.

— Хозирги вақтда қандай жиноятлар сизни ташвишга солади? Бу

жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Туманда бошқа жиноятларга нисбатан ўғрилик ва безорилик бир мунча ошган. Бунинг сабаби оддий. Ёшлар орасида оғир меҳнатдан бўйин товлаб, енгил-елпи ишлар билан шуғулланиш, ўғирлик қилиш, қимор ўйнаш каби иллатларга берилиш ҳоллари мавжуд. Жанжал ҳам худди ана шу тоифа шахслар ўртасида юзага келаяпти.

— Аёллар орасида ҳам жиноятга алоқадорлари борми?

— Афсуски, бор. Фирибгарлик, ўғирлик, қўшмачилик, ҳатто талончилик жиноятларини содир этиб, қайта-қайта судланганлари топилади. Бунинг сабабини сўраганимизда, уларнинг ўзлари ҳам аниқ бир жавоб беришолмайди.

— Ярашув институти ҳақида фикрингиз?

— Тергов жараёнида қариндошлар, хусусан, ака-укалар, қўшнилари ўртасидаги жанжаллар кўп учрайди. Томонлар бир-бирларини кечиришлари билан ўртадаги низо барҳам топади. Иш судга ўтказилмасдан, кўзга-тилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтади. Бу албатта ҳамма учун манфаатли. Ярашишга нима етсин.

— Оилангизда ички ишлар ходими касбини танлаганлар ҳам борми?

— Укам Исқандар терговчи. Мен билан бирга ишлайди, майор. Биз юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш учун бор куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

Саид ҲУРОҚОВ
Ўзиб олди.

Тергов ички ишлар идораларидаги асосий хизматлардан бири ҳисобланади. Ислохотлар ўтказилиши муносабати билан тергов идоралари ходимларига ҳам катта масъулият юклатилди. Республикаимиз ҳуқуқий демократик давлат куриш сари бораётган бир пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг учун ҳар бир терговчи касб маҳорати, билимини ошириш борасида тинмай изланиши зарур.

САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА


Хоразм вилояти ИИБ тергов бошқармаси ходимлари юқоридаги масалаларга кенг эътибор қаратмоқдалар. Жиноят юз бериб, уни очгандан кўра олдини олган афзалдир. Шунинг учун терговчиларимиз ўтган 2004 йилда жойларда фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб, қонунчиликни таъминлаш борасида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишди.

Тергов ишлари самарадорлигини ошириш борасида ҳам қатор амалий ишлар қилинди. Чунончи, тергов йўли билан ўтган йили тўрт юз элликка яқин қўшимча жиноятлар очилди. 43 та жиноят иши ЖПК талаблари асосида тугатилди. Бу тергов хизмати фақат айблов йўналиши бўйича эмас, ҳозирги замон талаби, қонунларни либераллаштириш борасидаги ишларни ҳам тўғри йўлга қўйганлигининг самарасидир.

Қонунларни либераллаштириш бўйича турли хил жиноятлар со-

Яқинда бошқармаимизда Хоразм вилояти ИИБ ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тергов бошқармаларининг 2004 йилги иш якунлари ва келгуси вазифаларига бағишланган амалий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Алишер Шарафутдинов ўтган йили тергов хизмати томонидан амалга оширилган ишларга баҳо берар экан, айрим муаммолар ва бу йил амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди. У терговчиларнинг жиноятларни тергов қилишда касбий ва жисмоний маҳоратларини ошириш, терроризмга қарши кураш борасида фойдали таклифлар билдирди.

Ўтган йили хизматда ўрнатилган кўрсаткичларни ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, лейтенант Мақсуд Кенжаев, Боғот тумани ИИБ терговчиси, капитан Алишер Сапаевларнинг хизмати алоҳида



дир қилган 487 нафар фуқарога енгиллик берилди. Давлат ва фуқароларга нисбатан етказилган зарарни ундириш миқдори 181 миллион сўмни ташкил этди.

Ўтган йили вилоят ИИБ бошқармаси раҳбариятининг саъй-ҳаракати натижасида терговчиларга 10 та янги замонавий компьютер берилди. Айниқса, вилоят ИИБ ЭКБда экспертиза ишларини олиб бориш сифати янада яхшиланди. Вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими "Соңда" компьютер тизими билан таъминлангани жиноятларнинг тез очилишига ва тергов ҳаракатлари сифатини яхшилашга имкон яратди.

таъкидлаб ўтилди. Уларнинг ота-оналарига миннатдорчилик билдирди. Узоқ йиллар тергов идораларида бенуқсон хизмат қилган Қўшқўпир тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси, подполковник Қосимбой Пирёзов шу куни тантанали равишда пенсияга кузатилди.

Шокир ЮСУПОВ,
подполковник.

Суратда: ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Полвонназир Ҳасанов (чағна) катта терговчилар, капитанлар Ғайрат Ёқубов ва Анвар Матжоновлар билан навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Фарход МУҲАММАДИЕВ олган сурат.

ХИЗМАТЛАРДА

«ШИФОКОРЛАРДАН МИННАТ ДОРМИЗ»

Кейинги пайтда Саиджон қон босимининг ошиши, сурункали бош оғриғи, ланжика, бутун танасини оғир сезишдан шикоят қиларди. Бундай ҳолатда хизмат вазифасини бажариш анча қийин кечиши турган гап. Шу боисдан ҳам у вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт хизматига мурожаат этишга мажбур бўлди.

Бемор тегишли шифокорлар назоратидан ўтказилди. Уларнинг тавсиялари билан замонавий электрон ташхис асбоблари ёрдамида текширув натижалари тахлил қилинди. Тиббиёт хизмати бошлиғи, капитан Абдулхамид Аҳмедов хузурида шифокорлар маслаҳатга тўпландилар. Ҳамма ўз фикрини билдирди.

Беморнинг пешона қисмида кучли шамоллаш асорати туфайли йиринг пайдо бўлган. Унинг боши оғриши, ҳарорати ва қон босими баландлиги шундан.

Даволаш муолажалари бошланди. Ташхис аниқ ва асосли чиқди. Бемор қисқа муддатда шифо топди. Энди эса физиотерапия муолажалари керак эди. Шундан сўнг касаллик асоратларидан батамом қутилиш мумкин.

... Саиджон олис ва совуқ Сибирда бир ярим йил ҳар-

бий қурувчи сифатида хизмат ўтаган. Милицияга ишга кирганига ҳам ўн беш йилдан ошди. Оддий сержантликдан майорлик унвонига эришди, олий маълумотли мутахассис сифатида ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонди.

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида мудҳиш террорчилик ҳаракатлари содир этилган кунларда даволаш муолажалари ниҳоясига етди. Олис тоғли ҳудуддаги хизматини ўташга жўнаш олдиан Саиджон Абдулхамид Аҳмедовнинг хузурига кирди.

– Сизга ва барча шифокорларга раҳмат, ўртоқ бошлиқ! Мен дарддан фориғ бўлдим, – деди у.

– Саломат бўлинг, командир! Ўзингизни авайланг. Зарурат туғилса, хизматингизга тайёрмиз.

У хизматга жўнаб кетди. Шифокор хузурига ички ишлар идораларида узоқ йиллар ишлаган, айна вақтда кексалик гаштини сураётган фахрий кирди. Навбатда эса яна бир неча киши турарди.

Бу – Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси тиббиёт хизмати ходимлари фа-

олиятидан бир лавҳа, холос. Ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, ички ишлар фахрийлари, вилоят адлия, прокуратура, божхона тизими ходимлари, Термиз темир йўл бекати ички ишлар бўлими, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари қисмлари ходимларининг саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш вазифаси уларнинг зиммасида. Бу ишда ҳар бир ходим касбига, вазифасига садоқат билан муносабатда бўлмоқдалар.

Абдулхамид Аҳмедов бошлиқ этиб тайинланганда шароит анча ночор эди. Кўпчилик ходимлар ижарада яшаб, ишлар шароити талабга жавоб бермасди. Айниқса, тиббиёт ускуналари, дори-дармонлар, малакали ходимлар етишмасди. Шундай бўлгач, хизмат кўрсатиш сифати ҳам ўзига яраша эди.

Янги бошлиқ вилоятнинг тажрибали шифокорларидан бири саналарди. Шифокорлар оиласида тарбия топган бу инсон Самарқанд тиббиёт институти даволаш клиникасида ишлаган вақтида чинакам тажриба мактабини ўтади. Вилоят ички ишлар бошқармаси

раҳбарияти уни ишга таклиф этиб, янглишмаган эди.

Янги раҳбар ишни хизмат шароитини яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдан бошлади. Бугунги кунда эса ходимларга ҳамма шароитлар яратилган. Тўрт қаватли замонавий даволаш ва ташхис қўйиш асбоб-ускуналари уларнинг хизматида. Бу эса касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва диагностика-ташхис ишларини тўғри йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

– Биз асосий эътиборни касалликларнинг олдини олишга қаратяпмиз, – дейди

капитан А. Аҳмедов. – Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказиш анъанага айланган. Айниқса, суҳбатлар, тушунтириш ва ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Шифокорлар хизматидан ҳар бир ходим миннатдор. Буни беморларнинг дил сўзлари битилган ёзувлардан ҳам билса бўлади. Бундай ёзувларда терапевт Шоирахон Норбоева, асаб касалликлари шифокори Тамара Никоненко, ҳамширалар Флюра Сиддиқова, Елена Казанцева, Мехрихон Қаюмова ва бошқа ўнлаб саломатлик посбонларининг номи бор. Бунга улар ҳалол, фидокорона меҳнатлари билан эришмоқдалар.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.



Котибият иши бир қарашда осондай кўринади. Билмаганлар келган хатларни рўйхатдан ўтказиш қийин эканми, деб ўйлашлари мумкин. Аслида эса ҳар бир мактуб ортида инсон тақдирини ётибди. Хужжатлар ижроси таъминлашиб, назорат қилиш, вақтида жавоб бериш кишидан кўп масъулият талаб этади.

Хоразм вилояти ИИБ котибияти томонидан ана шу масалаларга бағишланган ўқув машғулотини ўтказилди. Унда сўзга чиққан ИИБ котибияти бошлиғи, майор Баҳром Султонов йиғилганларни республика Ички ишлар вазирлиги буйруқ ва меъёрий хужжатлари билан таништириб, ходимларнинг касб маҳоратларини ошириш борасида маъруза қилди.

Суратда: ўқув машғулотидан лавҳа.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Тохир ака Олимов матбуотга жуда қизиқади. Қачон туманга йўлим тушса, албатта, у кишига учраб бир суҳбатларини оламан.

Сўнгги гал борганимда хоналарига бир капитан билан лейтенантни чақиртирдилар.

– Шу иккиси ҳақида ёзсангиз бўларди, – дедилар мулоимлик билан.

– Мақташ эмас-у, лекин улар мақтаса арзиғулик. Аввал ўзлари билан суҳбатлашинг, кейин мен ҳам фикримни айтаман.

Тохир акага халақит бермаслик учун бўлажак қахрамонларим билан бошлашиб Маърифат хонасига чиқдик. Полвон келбатли капитан Душам Рўзиев аввалига тортиниб турди. Саволларимга худди анкета тўлдираётгандек қисқа-қисқа, лўнда жавоб қайтарди. Аста-секин ўртадаги бегоналик деймизми ёки ноқулайликми кўтарилиб, суҳбатга берилиб кетдик.

Душам ака ҳақиқатан ҳам кураш билан шуғулланган экан. Жисмонан бақувват бу йигит 1980 йилда Афғонистонга ҳарбий хизмат ўтагани бориш учун Термизда тайёргарликдан ўтди. Айниқса, қурол-аслаҳа билан 10 километрга югуриш синови оғир кечди. Маррага гуруҳдаги 60 кишидан 30 нафари вақтида етиб келди, холос. Афғонистонда артиллериячи бўлиб хизмат қилди.

– Қайтишда самолётимиз то Термиз аэропортига кўнгунича жим келдик. Сабаби, самолётимизни уриб туширишлари мумкин деб чўчирдик. Бир полковник ҳаммамизни сафлаб, бундан икки йил илгари шу ердан жўнатилган 500 кишидан 30 нафари тирик қолганини айтди. Ушларнинг ичиди мен ҳам бор эдим, – дея хотирлади Душам ака.

У ҳарбий хизматдан қайтгач, автомобиль йўллари техникумини тугатиб, Навоий вилоят ИИБга борди. Подполковник Ражаб Бобоқулов хужжатларни кўздан кечириб, у билан анча суҳбатлашгач:

– Сиздек йигитлар бизга керак, – деди.

Хизматни ЙПХ инспекторлигидан бошлаган Душам Рўзиев шу соҳада ўн йилдан ортиқ ишлади. Бўлинма, взвод сардори бўлди. бирин-

МУШТАРАКЛИК

чи офицерлик унвонини олди.

1997 йилда оилавий шароитига кўра ўзи туғилган Қизилтепа туманига хизматга ўтказишларини раҳбариятдан илтимос қилди. Шундан сўнг фаолиятини туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида взвод сардори вазифасида давом эттирди. Орадан тўрт йиллар ўтиб, бир кун туман ИИБ бошлиғи уни хузурига чақириб қолди.

– Мана, турли соҳаларда ишлаб анча тажриба орттирдигиз. Ҳозир профилактика хизматида сиздек тажрибали ходимлар керак бўлиб турибди, – деди у. Душам ака рози бўлди.

– Нима бўлганда ҳам бу янги соҳа, эплолмасликдан чўчимадингизми? – сўрадим ҳамсуҳбатимдан.

– Чўчидим. Лекин раҳбар бу таклифни айтишдан олдин обдон ўйлаган, демак шундай қилиш зарур экан, деб мулоҳаза қилдим. Кейин эплолмайман дейишга уялдим, – соддалик билан кулди Душам ака.

У ҳали профилактика инспектори этиб тайинланмасдан бу соҳага тааллуқли йўриқномалар, бошқа хужжатларни кунт билан ўрганишга киришди. Буйруқ чиққач эса тажрибали профилактика инспектори Узоқ Фармоновнинг этагини маҳкам ушлади. Билмагани, тушунмаганини сўрашдан уялмади, эринмади.

– Энг муҳими, одамларга суяниб иш кўряпман. Маҳалла посбонлари яқин ёрдамчиларим. Тавойис, Хумробод маҳаллалари, “Маликчўл” ширкат хўжалиги ҳудудида бирор оммавий тадбир, тўй ўтадиган бўлса, улар тартибсизлик, ўғирлик юз бермасин, деб қараб юришади. Яшириб нима қилдим, қўшнисидан, қариндошидан қарз олиб, вақтида қайтармаётганлар учраб туради. Суриштириб кўрсангиз, ҳеч қандай хат-хужжат қилишмаган бўлади. Ававалбор, аризагина бунинг учун дакки берамиз. Шундан сўнг маҳалла оқсоқоллари билан қарздорни ўртага олиб уялтирамиз. Шу тариқа кўпинча масала ҳал бўлади.

Баъзан бир парча ер учун икки қўшни гижиллашиб қолишади. Орани очиқ қилиш учун ер ўлчовчини чақирамиз. У хужжатларга қараб, ўлчаб орани очиқ қилади. Жанжалкаш оилалар билан иш олиб боришда маҳалла хотин-қизлар кенгаши аъзоси бўлган опахонлар яқиндан ёрдам беришади. Гапнинг тўғриси, бир ўзим нима қила олардим, – дейди Душам ака, – шу гапларимни мақолангизда албатта ёзинг.

Туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими марказий кўриқлаш пулти бошлиғи, лейтенант Ойбек Раҳимов билан бевосита унинг ишхонасида суҳбатлашадиган бўлдик.

– Марказий кўриқлаш пултига, – дея турли чироклар, тугмачалар ўрнатилган аппаратга ишора қилди у, – қирқдан зиёд иншоот уланган. Яқинда яна тўртта объектни қабул қилдик. Ҳар чорақда уларнинг техник ҳолатини текшираемиз. Бундан ташқари кўндалик хизмат чоғида аниқланган

носозликлар ҳам зудлик билан бартараф этилади.

Баъзан сигнализация қисқа туташув туфайли ишлаб кетган пайтлар ҳам бўларкан. Барибир қўлга олиш гуруҳи сигнал тушган объектдан хабар олиб келаркан. Ўтган йили бор-йўғи бир марта кўриқланаётган объектда ўғирликка уриниш бўлибди. Ўғирлар бир офис маркет дўкони деразасига ўрнатилган кондиционерни олишиб, унинг ўрнидан ичкарига кирмоқчи бўлишган. Аммо сигнализацияга кўзлари тушиб жуфтакни ростлашган.

– Мени мақтамасангиз ҳам бўлади, – дейди камтарлик билан Ойбек. – Қандай ютуққа эришаётган бўлсак, катта сержант Азамат Ашуров, электр устаси Саттор Райимов, оператор Ўктам Аслонов каби меҳнаткаш, фидойи ходимларимиз туфайли эришяпмиз.

Ойбекнинг сўзларини тинглаб туриб бир муштаракликни пайқаб қолдим. У ҳам, Душам Рўзиев ҳам, Тохир Олимов ҳам биринчи галда қўл остиларидаги ходимлар, ҳамкорларини мақташга, уларнинг хизматларини кўрсатишга интилишарди. Ҳа, қаердаки ходим кадрланса, инсон омилига эътибор берилса, ўша ерда ютуқ, ривожланиш бўлаверади.

Бобомурод ТОШЕВ.

«Noemga» gazetasining ilovasi



UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
+ SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Бир пайтлар матбуотда номаълум учар жисм (НУЖ)лар ҳақидаги мақолалар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек кўпайиб кетган эди. Уларнинг орасида жиддий, салмоқлилари ҳам, енгил-елпи, олди-қочдилари ҳам учрарди.

Кўпчилик НУЖ тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишни хоҳлайди. Хўш, улар ҳақиқатан ҳам борми, ўзга сайёраликларнинг юлдузлараро учар кемасими ёки қандайдир атмосфераси, ёруғлик ўйиними? Балки шов-шув кўтаришга уста баъзи журналистларнинг уйдирмасидир?

Масалани ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз. 1947 йилда АҚШнинг Нью-Мексико штатидаги Розуэлл шаҳри яқинида НУЖ ҳалокатга учрагани ҳақидаги гап-сўзлар кўпчиликка таниш бўлса керак? Кейинроқ ҳаво кемаси ичидаги ўзга сайёраликларнинг мурдалари ёриб текшириб кўрилганичи? Америкалик журналистлар эълон қилган мақолалар асосида ушбу воқеаларнинг қанчалик ҳақиқат эканини тадқиқ қиламиз.

Мазкур факт ҳақида расман илк бор XX асрнинг 70-йилларида тадқиқотчи Л. Стрингфилд ёзган эди. Орадан кўп ўтмай "Глоуб" журналида ҳам шу мазмунда мақола пайдо бўлди. Мақолада америкалик икки шахс — Чарльз Берлиц ва Уильям Мур бортида тўрт нафар экипаж аъзоси бўлган ўзга сайёраликлар космик кемаси ҳалокати ҳақидаги хабарларни текшириб кўргани тўғрисида ҳикоя қилинган эди. Ҳарбийлар ушбу ҳодисага оид ҳар қандай ахборот тарқатишни қатъий тақиқлаганларига қарамай ташаббускорлар сирли пардани кўтаришга муваффақ бўлишди.

Авваламбор, космик кема 1947 йил 2 июль кечаси АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари базаси яқинида ерга қулаб тушгани аниқланди. Шундан сўнг газеталарда чоп этилган хабарлар тезда инкор этилди. Ҳарбий мутахассислар фавкулда ҳодисани метеорологик зонднинг парчаланиб кетганлиги билан изоҳлашди. Сирли воқеага автомобиль компанияларидан бирининг

ходими муҳандис Барнет гувоҳ бўлган эди. "Улкан дисксимон металл конструкцияга кўзим тушди. Унинг ёнида бир неча кишининг мурдаси ётарди. Уларнинг бошлари катта, силлиқ, сочсиз, аммо жуссалари одатдаги эркаларнинг гавдасидан анча кичик эди. Номаълум кимсаларнинг кийим (костюм)лари кулранг, тугмасиз, боғичсиз, қайишсиз эди.

Ҳарбий мутахассислар фақат америкалик кашфиётчи Паппенанинг учар лycopча ичига киришига рухсат беришди. Кабина ичидаги пультада турли-туман тугмалар, мурватлар, ричаглар бўлиб, экипаж аъзоларининг ўриндиқлари бир қаторда,

"Глоуб" журналида чоп этилган мақоланинг қисқача мазмуни шундан иборат. Аммо мазкур воқеа Ч. Берлиц ва У. Мур ўзларининг учар лycopча билан боғлиқ саргузаштлари тўғрисида китоб ёзиб, нашр эттиришгандан кейин янаям қизиқроқ давом этди. Кейин америкалик киночилар мазкур китоб асосида "Ангар-18" фильмини суратга олишди. Ушбу картина Россия телевидениеси орқали ҳам намойиш этилган. Тадқиқотлари ишончли чиқиши учун Берлиц ва Мур Марказий разведка бошқармасининг собиқ бошлиғи, адмирал Хилленкоттер ўша пайтдаги АҚШ Президенти Дуайт Эйзенха-



дахлдор материалларга орадан 20 йил ўтиб ўта махфийлик белгиси қўйилганини пайқаб қолди. Шунинг учун 1987 йилда Вашингтон шаҳрида НУЖ муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро

тайлик: бу мақолаларда келтирилган фактлар асоссиз, тўқима бўлиб чиқди. Бунинг сабаби оддий. Ўша пайтлар АҚШда ўзга сайёраликлар ҳақидаги турли гап-сўзлар авжига чиққан эди. Шов-шувга ўч оммавий ахборот воситалари ходимлари эса ўз мақсадлари йўлида қўлга киритган ҳар қандай маълумотлардан фойдаланаверишди.


Ерга НУЖ кўнгани, учар лycopча ичидан одамсимон мавжудотлар чиққанини кўрган кишилар сони вақт ўтган сайин ортиб борди. Аммо уларнинг аксарияти лўттибоз ёки шухратпараст шахслар эди. Бундай ёлгончи шахсларни учар лycopчалар ҳақидаги хабарларни ўрганиш билан махсус шуғулланган америкалик бир журналист боплаб таърифлаганди. У киноя қилиб шундай ёзган: "Агар сиз астрофизик бўлишни хоҳласангиз, узоқ йиллар заҳмат чекиб ўқиб-ўрганишингиз, изланишингиз керак. Мабодо НУЖ бўйича эксперт бўлишни истасангиз, бу ҳақда бирорта китоб ўқиб чиқишингиз кифоя. Қарабсизки, замондан орқада қолган, билим доираси тор илмий ходимлардан нақадар устунлигингизни тез орада хис қиласиз".

Аммо кузатувларнинг бир қисми холис, тўғри сўз кишиларга тегишлилигини ҳам эътироф этиш жоиз.

Яхшиси космонавтика отаси К. Э. Циолковскийнинг куйидаги доно маслаҳатиға кулоқ тутайлик: "Қайд этиш керакки, тарихда ва адабиётда изоҳлаш қийин бўлган ҳодисалар бир талай... Сайёралараро алоқалар борасидаги ҳодисаларни ҳам ана шу тоифага киритиб, уларни диққат билан, чуқур, ҳар томонлама ўрганиш зарур".

Хўш, НУЖ нима ўзи? Ўзга сайёраликларнинг космик кемасими, ёруғлик ўйиними ёки ҳозиргача номаълум бўлиб қолаётган сирли атмосфера ҳодисаларимикан? Ҳали-ҳануз бу саволларга узил-кесил жавоб топилгани йўқ.

УЙДИРМАМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ?



ёнма-ён жойлашган эди.

Мурдаларни ёриб, патологоанатомик текширувлар ўтказган шифокор куйидагиларни қайд этди: уларнинг мияси одам миясидан катта бўлиб, боши деярли сочсиз эди. Кулоқ супраси кўзга ташланмасди. Унинг ўрнига эшитиш тешиги бор эди, холос. Оғизларида тиш йўқ, бўйни, қўл-оёқлари ингичка, панжаларида тўрттадан пардали бармоғи бор эди. Терилари кулранг, қаттиқ (дағал) бўлган.

уэр номига тайёрлаган ўта махфий маърузасининг нусхасини ошкор этишди. Мазкур ҳужжатда Пентагоннинг Розуэллдаги воқеани текшириш билан шуғулланган "Маджеестик" номли махсус отряди ҳақида ҳикоя қилинар эди. Ҳужжатни тадқиқотчилар почта орқали исми номаълумлигича қолишни истоган кишидан олишганди.

Одамлар орасида тиниб-тинчимаслари ҳам кўп-да. Ана шундайлардан бири 1947 йилдаги воқеаларга

анжуманда мунозаралар қизиқ кетди. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

НУЖ мавжудлиги ҳақидаги қараш тарафдорлари ҳозиргача бундан кўп йиллар аввал АҚШ да чиқадиган турли журналларда чоп этилган "Коинотдан келган меҳмонлар", "Учар лycopчалар ҳақида", "Фаройиб йўловчи", "Катта шов-шув" каби мақолаларда баён этилган ҳодисаларга асосланишади. Аммо кўплар учун афсусланарли ҳол бўлса ҳам очиқ-ойдин ай-



BOLALAR SAHIFASI



Kunlardan bir kun...

HUSHYORLIK HAMISHA ZARUR

Ko'pqavatli uylarning o'rtasida joylashgan sport maydoni odatdagidek gavjum. Bir guruh bolalar futbol o'ynasa, ikkinchi guruh voleybol bilan ovora, qizlar esa davra qurib olib, galma-galdan arqon aylantirib, sakrashyapti, ikki-uch bolakay velosiped poygasidan zavqlanyapti.

Maydon chetiga qo'yilgan o'rindiqa o'tirgan Tuyg'un oyog'ini lat yegani pand berganidan achinib o'rtoqlarining o'yinini ko'rib yuragi qizirdi. Sal naridagi uying uchinchi qavatidan oyisining ovozi eshitildi.

- Tuyg'unjon, dorilarningni ichadigan vaqt bo'ldi, kelaqol o'g'lim, keyin yana maydonga chiqasan, - dedi.

Tuyg'un qo'ltiqta-yoqda sekin-asta yurib ketdi. U dorilarni ichib qaytib chiqayotganda yo'lakda turgan eski ro'zg'or xaltaga ko'zi tushdi. Hozirgina uyga kirayotganida yoq edi, shekilli. Yoki e'tibor bermadimikin. Yo'q agar turganida ko'rgan bo'lardi. Borib ro'zg'or xaltani hassasi bilan turt-

moqchi bo'ldi, keyin kecha televizorda ko'rsatilgan ogohlik haqidagi ko'rsatuv esiga tushib, ortiga tisarildi. Hovliga chiqqanida bolalar o'yin bilan ovora edilar. Maydonning narigi chekkasida bir kishi shoshib ketib borardi. Lekin notanishday tuyuldi. U atrofga alanglab kattaroq yoshdagilarni qidirardi. Sal naridagi o'rindiqa o'tirgan mahalla oqsoqolini ko'rib sevinib ketdi. Borib shosha-pisha ko'rganlarini gapirdi. Oqsoqol yonida o'tirgan o'rta yoshdagi kishi bilan Tuyg'un aytgan joyga kelishdi. Haqiqatdan ham eski ro'zg'or xalta turardi. Uning ko'rinishidan ichida temir, biror metallardan yasalgan narsa borgan o'xshardi. Oqsoqol tezda profilaktika inspektoriga odam yubordi. Keyin uyali telefonida kim bilandir tashvishli ohangda bog'landi. Voqea bir zumda hammani esankiratdi-qo'ydi. Maydondagi barcha bolalar o'yinni yig'ishtirib uy oldiga to'planishdi.

Profilaktika inspektori yetib kelgandan keyin oqsoqol ro'zg'or xaltani

kotarib tashqariga olib chiqdi. Hozir biror hodisa yuz beradiganday, hamma nari qochdi. U xaltani yerga qo'yib, Tuyg'unning oldiga keldi va boshini silab:

- Otangga rahmat, o'g'lim, hamisha ana shunday sinchkov bo'lish kerak. Bu xaltani biz profilaktika inspektori bilan sinov uchun uyushtirgandik. Hammalarning o'yin bilan ovora bo'lib, begona kishi kelganini payqamadinglar, u qo'lidagi xaltani avvaliga daraxt tagiga qo'ydi. Hech kim e'tibor bermadi. Keyin Tuyg'un uyiga kirib ketganida yo'lakka tashlab chiqdi. O'yin o'yin bilan, lekin hamisha hushyorlik zarur. Aytalik shu xaltani rostdan ham biror g'alamis tashlab ketganida nima bo'lardi? Kecha televizorda berilgan ko'rsatuvdan xulosa chiqarib olish kerak.

Bolalar oqsoqolning gaplarini eshitib, e'tiborsizlik qilganlaridan xijolat bo'lishdi. Ularning xayolidan endi hushyorroq bo'laman, degan fikr o'tardi.


Sadridin ABDULLAYEV.



TEZ AYTISH

Charos G'iyos bilan Ilyosni qildi qiyos,
G'iyos bilan Ilyosni qildi qiyos Charos.

RASMLARDAGI O'N BESHTA FARQNI TOPING



					Qadimgi ulov	Chaqon	Ota (shevada) Shak...mon
			Topshiriq				
			Ishora		Orzu		
					Tikuv ashyosi	O'rta Meva	
	Sinov						
	Nota						
					Uy hayvoni		
Ajoyib	Tibbiyot		Ona qo'shig'i	Asal			Bino Ko'tarish moslamasi
			Hassa				
	Maza				Bedov		
	Olov				Kuy		
			Oliy o'quv yurtida o'qiydi				Uya Tog'dan oqib tushadi

O'TGAN SONDA BERILGAN «GEOGRAFIYA» CHAYNVORDINIG JAVOBLARI:

1. Apennin.
2. Nepal.
3. Ladoga.
4. And.
5. Dunay.
6. Yevropa.
7. Azov.
8. Vaxsh.
9. Shimol.
10. Latviya.
11. Amudaryo.
12. Oxota.
13. Arabiston.
14. Niagara.

ДУШАНБА

14

«Ўзбекистон» телеканал

Профилактика мунсабати билан, «Ўзбекистон» телеканал 14 февраль кун қўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди. 15.00 «Тахлилнома».

17.55 Олис манзиллар. 18.15 Хамкор - 2005. 18.25 Келинг, кулишайлик!

«Тошкент» телеканал

17.05 Қўрсатувлар тартиби. 17.15 ТТВда сериал: «Индаба».

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг».

Тонги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (Рус тилида) 9.05 «Мухаббат макри».

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари. 16.55 Открытие программы

ОРТ

6.00 «Доброе утро» 9.00, 12.00 Новости 9.05 Комедия «Любовь зла»

уверена «Джентльмены предпочитают блондинок». 14.00 Док. детектив «В тени громких преступлений»

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!» 6:45 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ» 7:45 «Суслов. Серый кардинал»

звезря. 15:10 «Честный детектив». 15:45 Сериал «Кармелита».

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ» 9:05 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»

20.30 Игровое шоу «Время - деньги!» 21.00 «На бульваре с Эвелиной Блэданс...»

ТВ 3

8:30 Победоносный голос верующего. 9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.

ДТВ

9.00 Мультфильмы. 9.30, 20.25 «Неслучайная музыка».

СТС 8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал. 8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.

СЕШАНБА

15

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«Ёшлар» телеканал

6.55 Қўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг».

«Тошкент» телеканал

17.05 Қўрсатувлар тартиби. 17.15 ТТВда сериал: «Индаба».

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг».

30-й канал

12.00 Открытие программы 12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»

ОРТ

6.00 «Доброе утро» 9.00, 12.00 Новости 9.05 «Кавалеры морской звезды»

1.10 Крылья. «От сверхзвука до гиперзвука» 1.40, 3.05 Фильм «Выдуманная жизнь эбботов»

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!» 6:45 Сериал «Тайны следствия-2»

11.35 Агентство криминальных новостей. 11.55 Фильм «ЛЮБОВЬ ВСЕ МЕНЯЕТ».

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего. 9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.

ДТВ

9.00 Мультфильмы. 9.30, 20.25, 3.00 «Неслучайная музыка».

СТС 8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал. 8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.

ДТВ, душанба
18.15 Драма "КИЗИЛ ЕЛКАНЛАР" ("АЛЫЕ ПАРУСА")

Кекса денгизчи Лонгрэн ёғочдан а жойиб ўйинчоқ кемалар яшаш билан шуғулланади. Унинг қизи Ансоля эса эрта кичи ваъда этганидек қизил елканли кемадан шаҳзодаси келишини кутади. Эрта кечдан ҳам ҳақиқатга айланади.

Ролларда: Анастасия Вертинская, Василий Лановой, Иван Переверзев, Николай Волков, Олег Анофриев.



ТВ 3, сешанба
18.25 Комедия "РУС МЎЪЖИЗАСИ" ("РУССКОЕ ЧУДО")

Тадбиркор Иван машхур рус экстрасенси Юрий Кошмаровскийнинг хоризга гастролни уюштириб, пича "кўк"идан ишлаб олмоқчи бўлади. Аммо аксига олиб сафар арафасида экстрасенс бетоб бўлиб қолади. Иван гастрол чоғида холасининг эри Кошмаровскийга жуда ўхшаб кетишидан фойдаланишга қарор қилади.

Ролларда: Семён Фарада, Михаил Кокшенов, Наталья Крачковская.



ОРТ, сешанба
13.10 Саргузашт фильм "ОСМОНДАН ТУШГАН БЕШОВЛОН" ("ПЯТЕРО С НЕБА")

Разведка маълумотларига кўра, Шарқий фронтга нацистлар кимёвий снарядлар олиб келишгани аниқланади. Фашистлар янги кимёвий куролни синаб кўришмоқчи. Фожианинг олдини олиш учун душман ортига беш кишидан иборат парашютчи десантчиларни юборишга қарор қилинади.

Ролларда: Глеб Селянин, Герман Юшко, Роман Громадский, Александр Чирков, Виктор Семеновский, Дитмар Рихтер



СТС, чоршанба
3.55 Криминал жангари фильм "КАЙСАР" ("НЕУКРОТИМЫЙ")

Ўғрилар заргарлик дўконини талаш чоғида қотиллик қилишади. Полиция ўғирланган жавоҳирларни топа олмади. Гумонланувчи Жак Дерне 8 йилдан кейин озодликка чиққач, полиция ва мафия таъқибига учрайди. Унинг сирини билиб олиш учун бир соҳибжамол аёлни юборишади.

Ролларда: Ален Делон, Франсуа Перье, Анн Парийо, Андреа Ферреоль.



ЧОРШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Ноилж сайёдалар». Телесериал.
9.25 «Остонаси тиллодан».

16.10 Хуш келибсиз.
16.35 «Бобурнома» 2-қисм.
17.00 Телевикторина.
17.05 Курсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Хар соҳага саёҳат.

«Тошкент» телеканал

17.05 Курсатувлар тартиби.
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».
18.00, 20.45 «Экспресс-телегазетаси».

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида).
9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси Еқимли иштаха.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Мухаббат жоғроси». Телесериал.

21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Майдон ортидаги одам».
22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал.

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Шахматист», сериал

ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00 Новости
9.05 «Кавалеры морской звезды». Сериал
10.10 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
2.20 Сериал «Женщины в любви»

«Убийство на радио»

Окончание.
6.45 Сериал «Тайны следствия-2»
7.45 «Убийство Кеннеди. 13-я версия». 1-я серия.
8.45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!»
6:45 Сериал «Тайны следствия-2»
7:45 «Убийство Кеннеди. 13-я версия». 1-я серия.
8:45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 0.00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ОСОБО ОПАСНО!»
10:50 Сериал «ВСЕ ЗОЛОТО МИРА»

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Сериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Сериал «ВОРОВАКА».

ДТВ

12.00 Фильм «ХАМЕЛЕОН».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Сериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».

ТНТ

5.55 Москва: инструкция по применению.
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».

2. Зимовка».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Цена любви».
19.00, 1.50 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 Комедия «ТРАССА 60».

СТС

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30, 21.00, 2.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «ДЖЕК-ПОТ ДЛЯ ЗОЛУШКИ». Сериал.

7 ТВ

7.00, 8.00, 11.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 22.10 «220 вольт».

ПАЙШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Мумтоз наволар. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Қизикарли учрашувлар».

18.45 «Зийнат».
19.05 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
19.25 «Узлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Мухаббат жоғроси». Телесериал.

Хужжатли фильм.
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.15 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида).
9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.

17.15 ТТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».
18.00, 20.45 «Экспресс-телегазетаси».
18.10 «Болалар экрани».

«Тошкент» телеканал

17.05 Курсатувлар тартиби.
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Хар соҳага саёҳат.

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Шахматист», сериал

ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00 Новости
9.05 «Кавалеры морской звезды». Сериал
10.10 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
«Утиные истории»
12.20 Сериал «Женщины в любви»

ЖУМА, 18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»: 8.40 1. «Соғлом танда соғ ақл». 2. «Цирк, цирк, цирк».
9.40 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Маринка, Янка ва киро л қасрининг сирин». Бадий фильм.
11.20 «Ўзлинг намое н кил». Экранда - Хоразм вилояти.
11.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет».
11.50 Мумтоз наво лар.
12.05 «Зийнат».
12.25 «Тухмат балоси». Хужжатли фильм (рус тилида)
13.00 Мусикий танафус.
13.10 Й. Муқимов, Ҳ. Расул. «Муқаддас тахти зар». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.10 Телемулоқот.
15.00 «Муқаддас тахти зар» спектаклининг 2-қисми.
15.55 «Аёл қалби наво лари». Мусикий дастур.
16.15 «Мехрибон тулки». Мультфильм.
16.35 «Умр мазмуни». «Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Санъат гунчалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусабақа.
18.10 «Олтин бешик».
19.00 «Худоят сари».
19.20 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали».
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртакла ри».
20.15 «Дастурхон атро фида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар куйлайди.
21.50 «2005 йил - Сихат саломатлик йили». «Оламни асранг!».
22.10 «Бенхур». Бадий фильм. 1-қисм.
23.55 «Ахборот-дай жест».
0.15-0.20 Ватан тим соллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дасту ри.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси Китоб жавони.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Да вр.
9.25 «Муҳаббат жо ра роси». Телесериал.

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дасту ри.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)

«Ташкент» телеканал

17.05 Кўрсатувлар тар тиби.
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
18.00, 20.40 «Экспресс-телегазетаси».
18.10 «Дугоналар».
18.30, 20.00, 20.50, 22.15 «Пойтахт» ахборот дасту ри.
18.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Котиллик пайдан».
20.20 «Имконият».
21.10 «Дорихона эши та ди».
22.00 «Пойтахт йўл лари да».
22.35 Кинонигоҳ: «Ўз бир кеча».
0.10-0.15. Хайрли тун, шаҳрим!

10.10 «Давр»-репортаж.
10.20 Жаҳон жугрофия си.
11.10 Томорқа.
11.20 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
12.10 Шум болалар.
12.25 Телевикторина.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Ака-ука Гримм эртакла ри». Мультсери ал.
13.35 «Аёл портрети». Бадий фильм.
15.05 Ўзбекизники.
15.15 «Даллас». Телесери ал.
16.15 Тараққиёт сари.
16.35 Бегойим.
16.55 Кўрсатувлар да с ту ри.
17.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?.
17.20 «Мульттомоша».
17.35 2005 - сихат - са ломатлик йили. «Юртим сихаттоҳлари».
17.55 ТВ-дорихона.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Кишлоқдаги тен г дошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наво лар.
19.00, 22.00 Да вр.
19.40 Мусикий лаҳзалар.
19.50 Тақдир.
20.10 ТВ - адвокат.
20.15 Меъёр - соғлик га рови.
20.40 «Муҳаббат жо ра роси». Телесериал.
21.30 Хандалак. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Авсалтанат.
22.55 «Оз ҳам эмас, кўп ҳам». Бадий фильм 4-қисм.
23.40 Спорт дасту ри: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«30-й канал»

12.00 Открытие про грам мы
12.05, 17.25, 21.00 «Те лехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Шахматист», се ри ал
14.00 «Бархатные руки», комедия
15.40 «Ошикона», муси кий дасту ри
16.25 «Тайны мира»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная па зу а»
18.45 Бокс.
19.45 «Ошикона», муси кий дасту ри
20.30 «Аёллар орзу си» передача для жен щин
21.20 «Музыкальная па зу а»
22.20 «Мажестик», ме ло драма

«ОРТ»

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00 Новости
9.05 «Кавалеры морской звезды». Сериал
10.10 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
12.20 Сериал «Женщины в любви»
13.20 «Евлампия Рома нова. Следствие ведет дилетант - 2».
14.30 «Угадай мелодию»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Комедия «Маленький купальщик»
17.00 «Пять вечеров». Сегодня пятница
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 Криминальная Россия. «Люди исчезают в полдень»
18.50 «Основной инстинкт»
19.50 «Поле чудес»
21.00 Время
21.25 Конкурс песни

«Евровидение - 2005»
22.50 Комедия «Я, сно ва я и Ирэн»
0.50 Триллер «Жизнь хуже обычной»
2.50 Комедия «Скоро»
4.30 Сериал «Соба чье дело»
5.20 «О чем говорят жи вотные». Док. фильм

«РТР»

3:00 «Доброе утро, Рос сия!»
6:45 Сериал «Тайны следствия-2»
7:45 «Мой серебряный шар. Леонид Утесов».
8:45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Мусульмане».
10:00 «Вся Россия».
10:15 «Городок».
10:45 «В поисках приключений».
12:30 «Частная жизнь».
13:30 Сериал «Возвращение Титаника-2».
15:10 «Кулагин и партнеры».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 «Юрмалина. Междуна родный фести валь юмористических про грам м».
20:45 Боевик «Риск без контракта».
22:20 Фильм «Уайатт Эрп».
1:55 «Дорожный патруль».
2:10 Сериал «Дрожь».
3:25 «Навеки Джулия».

«НТВ»

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 Сериал «ОНА НА ПИСАЛА УБИЙСТВО»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ВОЕННОЕ ДЕЛО»
10:50 Сериал «ВСЕ ЗОЛОТО МИРА»
11:50 Сериал «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ»
13:30 Фильм «МИСС МИЛЛИОНЕРША»
15:35, 18.35, 21.50, 5.40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:35 «СТРЕСС». Ток-шоу,
19:40 Боевик «НЕКУДА БЕЖАТЬ»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:45 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ К РАЗМЫШЛЕНИЮ»
23:40 Фильм «НЕЛЛ»
1:55 «КОМА: ЭТО ПРАВДА»
2:25 Бильярд
3:15 Сериал «ЗАПАДНОЕ КРЫЛО»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:15 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 Сериал «БЕЗ СЛЕДА - II»

«ТВ 3»

8.30 Победоносный го лос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Сериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Сериал «ВОРОВКА».
13.00 Фильм «ДУПЛЕТ».
15.00, 20.00 Док. се ри ал «Анималия».
15.30 Док. сериал «Сек реты кино». 1-я серия.
16.00 Фильм «ВИВАТ, ГАРДЕМАРИНЫ».
17.25 Фильм «ИМИТАТОР».
20.30, 2.00 Док. сери ал «На пределе».
21.00 Сериал «ВОРОВКА».
22.00 Фильм «ПЕРЕХВАТЧИКИ».
3.20 Шоу Джерри Спрингера.
4.15 Музыка.

«ТНТ»

5.55 Москва: инструкция по применению.
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.45 Наши песни.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
9.30 «ТРАССА 60». Ко медия.
12.15 «Крутые бобры».
12.40 «Котопёс».
13.05 «Эй, Арнольд!».
13.30 Телемагазин.
14.00, 2.15 «Голод».
15.00 «ДЕВСТВЕННОЦА». Сериал.

«ДТВ»

9.00, 9.35 Мультфиль мы.
9.30, 20.25, 3.10 «Неслучайная музыка».
10.00 «На бульваре с Эвелиной Бледанс...»
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Телемагазин.
11.35 Агентство крими нальных новостей.
11.55 Фильм «БОРСА ЛИНО И КОМПАНИЯ».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!».
14.40 Сериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».
15.45 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».
16.50, 17.15 Мультфиль мы.
17.35, 17.55, 23.40

«ТНТ, пайшанба»

22.00 Бадий фильм «МАХЛУК» («ЧУДОВИЩЕ»).
«Хар қандай эрка книнг ҳаётида шундай дақиқалар бўлиши мумкинки, бошқалар уни маньякка қиёс-лашлари ҳеч гап эмас. Фильм қахрамони эса ҳар куни маньяк қиёфасида намое н бўлади. Барча аёл ларни ваҳимага солувчи бу шахс ҳамон озодликда эканлигига нима дейсиз?».

Ролларда: Роберто Бенини, Мишель Блан, Nicoletta Braschi, Доминик Лаванант.

«НТВ, жума»

19.40 Жангари фильм «КОЧИШГА ЖОЙ ЙҮК» («НЕКУДА БЕЖАТЬ»).
Маҳқум Сэм дўсти билан турма автобусидан қочишга муваффақ бўлади. Аммо ўртоғи полиция ўқидан ҳалок бўлади. Сэм эса икки бола ни вояга етқи заётган ёлғиз она - Андерсон хонимнинг уйи яқинига яшири нади. Аёлни беихтиёр севиб қолиб, уни очқуз олибсотар ва шафқатсиз мафиячилардан ҳимоя қилади.

Ролларда: Жан-Клод Ван Дамм, Розанна Аркетт, Тед Ливайн.

«РТР, шанба»

12.20 Детектив «КОРА ШАҲЗОДА» («ЧЕРНЫЙ ПРИНЦ»).
Полковник Зорин навбатдаги жиноятни фош этади. Номаълум кимсалар дунёдаги энг қимматли коллекцияга кирувчи «Қора шаҳзода» номли но дир олмосни ўғирлаб кетиша ди. Бу тош ниҳоятда қиммат тура ди...

Ролларда: Всеволод Санаев, Николай Гриценко, Тамара Семина, Раиса Куркина, Владимир Носик, Александр Калягин ва бошқалар.

«ОРТ, якшанба»

2.00 Жангари фильм «ШУГАРЛЕНД ЭКСПРЕССИ» («ШУГАРЛЕНДСКИЙ ЭКСПРЕСС»).
Техасдаги маҳқумларни озодликка тайёрлаш маркази. Маҳқум Кловис Майклинг олдиға хотини кўргани келади. Аёл ўзини оналик ҳуқуқидан маҳрум қилганлик лари, туққан бо ласини эса тортиб олиб бе гоналарға беришганини айтиб, эрини қочишға кўндиради. Улар ортидан полициялар отряди қувишға тушади...

Ролларда: Голди Хоун, Бен Жонсон, Майкл Сакс, Уильям Аттертон

«ТВ 3»

8.30 Победоносный го лос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Сериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Сериал «ВОРОВКА».
13.00 Фильм «ВАРВАРА КРАСА, ДЛИННАЯ КОСА».
15.00, 20.00 Док. се ри ал «Анималия».
15.30 Док. сериал «Сек реты кино».
16.00 Фильм «ГАРДЕМАРИНЫ-III».
18.10 Фильм «ОГНЕВАЯ МОЩЬ».
20.30, 2.00 Док. се ри ал «На пределе».
21.00 Сериал «ВОРОВКА».
22.00 Фильм «ПЕРЕХВАТЧИКИ-2».
0.00 Фильм «ИЗОБРАЖАЯ БОГА».
2.30 Фильм «АМНЕЗИЯ».

«ДТВ»

9.00, 9.35 Мультфильмы.
9.30, 20.25, 3.05 «Неслучайная музыка».
10.00 «На бульваре с Эвелиной Бледанс...»
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Телемагазин.
11.35 Агентство крими нальных новостей.
11.55 Фильм «БЕГЛЕЦ (КОРПОРАЦИЯ «БЕССМЕРТИЕ»».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!».
14.40 Шоу рекордов Гиннеса.
15.45 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».
16.50, 17.15 Мультфиль мы.
17.35, 17.55, 23.40 «Звездная семейка».
18.15 Фильм «СДЕЛАЙ МНЕ БОЛЬНО».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!».
21.00 «На бульваре с Эвелиной Бледанс...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Док. фильм «Сплошное уродство».
23.00 Шоу Бенни Хилла.
23.55 Фильм «КИКБОКСЕР-5».

«7 ТВ»


7.00, 8.00, 11.30, 14.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 22.10 «220 вольт».
8.40, 11.00 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.30, 15.30, 19.30, 22.30, 4.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 0.10 «101 великий нокаут».
21.30, 0.30, 1.00 Авто спорт.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

«СТС»

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30, 21.00, 2.00 Ко медия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «ДЖЕК-ПОТ ДЛЯ ЗОЛУШКИ». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
12.30 Кино «ШЕСТНАДЦАТЬ СВЕЧЕЙ».
14.30 Осторожно, модерн-2.
15.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
15.30, 16.00, 16.30, 16.55, 17.25 Мультфиль мы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сери ал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.30 Истории в деталях.

«7 ТВ»

7.00, 8.00, 11.30, 14.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 22.10 «220 вольт».
8.40, 10.00, 11.00 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.10 «Футбол Испании».
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 0.10 «101 великий нокаут».
15.30, 19.30, 4.00 Спортивные танцы.
21.30 Авто спорт.
22.30 Путеводитель по...
0.30, 1.00 Авто спорт.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.



ШАНБА,

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Республика Куролли Кучлари марказий ашула ва ракс ансамблининг концерти.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Олтин мерос.

17.40 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
18.00, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Жаҳон географияси.

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 17.25, 21.40 «Телехамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 «Бетховен 2», комедия

ОРТ

6.00, 10.00 Новости
6.10 Мультсериал
6.20 Нарисованное кино. «Покером 2000»
8.20 Играй, гармонь любимая!

22.40 «Золотой граммофон»
23.40 Боевик «Роллербол»
1.30 Комедия «Самозванцы»
3.20 Триллер «Черная река»

РТР

4:00 Мультфильм.
5:15 «Большая перемена».
5:40 «Золотой ключ».
6:00, 9.00, 12.00, 18.00 ВЕСТИ.

НТВ

6:00 Мультфильмы
6:35 Комедия «ЗАМОРОЖЕННЫЙ»
8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»

14:00 Комедия «МЕНЯ ЛЫ»
16:20 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД». Юрий Антонов
16:55 «СВОЯ ИГРА»
17:55 Сериал «МАНГУСТ - 2: ДЕНЬ ЗДОРОВЬЯ»

ТВ 3

9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультсериалы.
11.00 Фильм «ВАРВАРА-КРАСА, ДЛИННАЯ КОСА».
12.50 Фильм «ЛУЧШИЙ ДРУГ».

ДТВ

9.30, 10.30 Мультфильмы.
10.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».

ВЕНТУРА: ДЕТЕКТИВ ПО РОЗЫСКУ ДОМАШНИХ ЖИВОТНЫХ».
14.25 Док. сериал «Без цензуры...»
15.25 Сериал «СТРОГО НА ЮГ».

ТНТ

7.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
7.50 «Каламбур».
8.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Сериал.

ШИЕ ЛЮБОВНИКИ». Комедия.
4.50 «ЛИВЕРПУЛЬ-1». Сериал.

СТС

8.00 «СОБАЧЬЕ ДЕЛО». Фильм.
9.25 Мультфильм.
9.50, 10.20, 10.30, 11.00 Мультфильмы.

7 ТВ

7.00, 8.00, 9.00, 16.30, 18.30, 20.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 9.30, 14.00, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.

ЯКШАНБА,

20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

11.35 Саломатлик сирлари.
11.55 «Махобхорат». Телесериал.
12.40 «Заковат». Интеллектуал уйин.

21.00 «Шунақа гаплар».
21.15 «Тенгдошлар».
21.45 «Тв плюс».
22.15 ТТВда премьеры: «Терминал».

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.

13.30 Хит-парад.uz
14.50 Болалар соати
15.45 «В поисках приключений», каратэ
17.45 «Музыкальная пауза»

ОРТ

6.00, 10.00 Новости
6.10 Мультсериал
6.40 60 фильмов о войне. Фильм «Волчья стая»

5:25 «Колоссальное хозяйство».
5:35 «Военная программа».
6:00, 9.00, 12.00 ВЕСТИ.

ТВ 3

8.30 Жизнь в слове.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультсериалы.
11.00 Фильм «СКАЗКА, РАССКАЗАННАЯ НОЧЬЮ».

НТВ

5:55 Мультфильмы
6:35 Фильм «ДЕТИ КАПИТАНА ГРАНТА»
8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»

НОВЕ ПРИЗНАНИЕ».
19:55 Сериал «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБИЙНОГО ОТДЕЛА». «ПОЧЕРК УБИЙЦЫ»
22:00 ПРЕМЬЕРА. «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С В. СОЛОВЬЕВЫМ»

ТВ 3

8.30 Жизнь в слове.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультсериалы.
11.00 Фильм «СКАЗКА, РАССКАЗАННАЯ НОЧЬЮ».

ДТВ

9.30 Мультфильмы.
10.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».

НА ЮГ».
16.25 Программа для автомобилистов «Караданний вал».
16.50, 17.55 Сериал «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».

ТНТ

7.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
7.50 «Каламбур».
8.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Сериал.

СТС

8.00 «СКАЗАНИЕ О РУСАЛКЕ». Фильм.
9.35 Мультфильм.
9.50, 10.20, 10.30, 11.00 Мультфильмы.

7 ТВ

7.00, 8.00, 9.00, 16.30, 18.30, 20.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 9.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИБ ЖК ва ТҚҚББ криминал ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили, подполковник **Жўраҳон ҚАЮМОВА**ни муборак ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сихат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз. Гўзаллик ва аёллик латофати Сизни асло тарк этмасин!

Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Наманган вилояти Норин тумани ИИБ ходими, катта лейтенант **Давлатбек ЭРНАЗАРОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, сихат-саломатлик, бахтли ҳаёт ва ишларида омадлар тилаймиз.

Тоғаси Нодирбек Нишонов.

Меҳрибон дадажонимиз **Шокир ОХУНОВ**ни 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Узоқ умр, сихат-саломатлик тилаб, кўп йиллар бардам бўлиб, даврамизни тўлдириб юришларини Аллоҳдан сўраймиз.

Эҳтиром ила рафиқаси ва фарзандлари.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Посбон" маркази раиси, истеъфодаги подполковник **Жуманазар ЖОНИБЕКОВ**ни 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сихат-саломатлик, оилавий бахт ва юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлашдек шарафли ишида омадлар ёр бўлиши, шогирдлари ва фарзандларининг камолини кўриб юришини тилаймиз.

Оила аъзолари ва бир гуруҳ ҳамкасблари.

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ бўлим бошлиғи, капитан **Дилшод ҲАСАНОВ**ни таваллуд топган куни билан чин дилдан кутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт ва ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Бош бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ойижоним **КЛАРА!**
Сизни туғилган кунингиз билан самимий табриклайман. Меҳрибон волидам! Умрингиз узоқ, тани жонингиз соғ бўлиб, бахту камолимизни кўриб, кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришингизни Яратгандан сўраб қоламан!

Эҳтиром ила қизингиз Наргиза.

Севимли қизим **Гулруҳой!**
Сени туғилган кунинг билан табриклайман. Омад, бахт, сихат-саломатлик ҳамиша ёр бўлсин.

Аданг Ўктамжон.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



Кўй. Мазкур ҳафтада бажараётган ишларингиз олдинга силжиши учун катта имконият бор. Фақат йўналишни тўғри белгиласангиз бўлгани. Душанба кунги вазифаларни ниҳоясига етказиш учун баракали меҳнат қилишингизга тўғри келади. Сешанба куни эҳтиросларга берилмаганингиз маъқул.



Тарози. Ички туйғунгизга таяниб иш кўрсангиз ҳар қандай масалада тўғри қарорга келасиз. Атрофингиздаги одамларнинг айрим камчиликларини кечиринг, шунда улар билан муносабатлар тезда яхшиланади. Миянгишни янги гоёлар чўлгаб олади. Чоршанба куни келгуси режаларни белгилаб оласиз.



Сигир. Душанба куни янги вазифаларга киришмай, илгари бошлаган ишларни ниҳоясига етказишни маслаҳат берамиз. Чоршанба яқин келажақдаги режаларни белгилаш учун қулай кундир. Улар нечоғли мукамал бўлса шунчалик яхши. Бу кун узоқ жойга бориш, айтайлик саёҳат уюштирилганда омад кулиб боқади.



Чаён. Ўтган ҳафтадаги муаммоларни чоршанба куни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Сиздаги ижодий кўтаринчилик дўстлар ва ҳамкасбларингизни лол қолдиради. Ишхонада кичик кўнгилсизликлар кутилмоқда. Чоршанба куни миянгизда туғилган гоёларни атрофдаги одамларга ошкор этишга шошилманг. Пайшанба куни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан дўстлар кўмағи асқотади.



Эгизаклар. Ушбу ҳафтада орзу-хавасларга бериласиз. Нима ҳақда кўп ўйласангиз ўша нарса амалга ошади. Ҳар қандай масалани ҳал этаётганда хушёр бўлинг. Бу эса ўзингиз кутган натижани беради. Ҳафтанинг охирида ажойиб саргузаштлар кутилмоқда.



Ёй. Ҳафтанинг биринчи ярмида низо-зорлар келиб чиқишига шай туринг. Ҳаётингизда муайян ўзгаришлар рўй беради. Ижодий қобилиятингиз шаклланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мавқеингиз янада яхшиланиб боради. Аммо ўзгалар манфаатига зид келадиган ишни қилмасликни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда сиздан омад юз ўғриши мумкин.



Қисқичбақа. Мазкур етти кунликда ишончли шериклар билан ҳамкорликда иш кўринг. Сешанба куни юзага келадиган айрим қийинчиликларни осонгина енгасиз. Чоршанба куни ҳамкасблар ёки янги орттирган дўстларингиз билан муносабатларни яхшилаб олганингиз маъқул. Ўзингизни кучсиз шахс деб ўйлашларига йўл қўйманг.



Тоғ эчкиси. Ўз фаолиятингизга танқидий баҳо берасиз. Чегарадан ўтманг, мавқеингизга путур етади. Сешанба куни сизга нисбатан бўҳтонлар уюштирилиши мумкин. Низо келиб чиқмаслигига ҳаракат қилинг. Чоршанба келгуси режаларни белгилаб олиш учун қулай кундир. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан машғул бўлганингиз маъқул.



Арслон. Ушбу ҳафтада ниҳоятда хушёр бўлишингизга тўғри келади. Белгиланган йўлдан бироз оғшингиз кўнгилсиз оқибатлар келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Буни асло унутманг. Куннинг иккинчи ярмида ижтимоий фаоллигингиз ошади. Шу боис юзага келган мураккаб вазиятдан чиқа оласиз.



Қовға. Мазкур даврда ажойиб имкониятларга эга бўласиз. Ташаббусларингиз ўз самарасини беради. Энг муҳими, шошмай иш кўрмасангиз омад сиздан юз ўғиради. Йўлингизда тўсиқлар учрамайди. Фақат эътиборсизлигингиз бироз панд бериши мумкин. Одамлар билан муомалада лаёқатингизни намойиш этасиз.



Бошоқ. Хушмуомала ва қатъиятлилик ютуқларга эришингизда муҳим омил бўлади. Сешанба куни имкониятларингиз ҳақида ҳаммага ҳам гапиравермаганингиз маъқул. Ўзингизга бўлган талабни бироз бўшаштирсангиз қийинчиликларни енгингиз осонлашади.



Балиқ. Ушбу ҳафтада кундалик муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўлганингиз маъқул. Кўнглингизда уйғонган хавотирлар ўзингизни безовта қилишига йўл қўйманг. Меҳрмурувват кўрсатиб, одамларга қувонч улашасиз. Эътиборли кишиларнинг маслаҳати асқотади. Пайшанба куни ҳужжатларни расмийлаштириш учун қулай кундир.

Изоҳга ҳожат йўқ



БИР КУЛИШАЙЛИК

- Иккита янгилик бор, бири нохуш, иккинчиси хушхабар.
- Нохушидан бошлай қолинг.
- Мурданинг кийимидан топилган қон юқи сизга тегишли экан.
- Хушхабарни айтинг-чи?
- Қонингиз таҳлил қилинганда, кўрсаткичлар жуда яхши чиқди.

Судья:

– Энди етар, бошқа шахсга айланишга ҳаракат қилишингиз керак.

Судланувчи:

– Бунга илгари ҳам уриниб кўрган эдим. Аммо ўшанда ҳужжатни қалбакилаштирганим учун қамашган эди.

Қиз:

– Мана бу суратдаги йигит ўзига турмушга чиқшимни сўраяпти. Суратига қараб қандай одамлиги, касбу кори, даромадини айтиб беролмайсизми?
Фолбин (суратга тикилиб туриб):
– Синглим, хафа бўлмангу, лекин у ёлланма қотил, буюртма бўйича одам ўлдиради.

Қиз:

– Хайрият. Менга бўлса ўзини муҳандис деб таништирди.

Жарроҳ:


– Минг бора узр, биродар, кеча янглишиб соғ оёғингизни кесиб қўйибмиз.

Бемор:

– Э худо, бу нима кўргулик, энди узрингизни пишириб ейманми? Икки оёқсиз қоладиган бўлибман-да?!

– Йўқ, омадингиз бор экан. Таҳлилларни яхшилаб текшириб кўрсак, хаста оёғингизни кесмасдан даволасак ҳам бўларкан.

Сомса тури	Рассом бўёғи	«Уфк» қахрамони				Дурра			Халқ	Спорт ўйини
					Осойишталик посбони	Дарахт	Корхона			
Кумондон	Швейцария дарёси	Саҳна санъати		Кўрса тиш оломоши		Тана қисми			Самолёт	
						Дарё	Вазн ўлчови			
Тарихчи		Йиртқич қуш		Илоҳиёт					Физик зарра	Юмшоқ модда
			Эркақ исми			Алиф-бомиз номи		Нота		
Сув иншооти		... Пас (пойтахт)	Чангақ асбоб	Печёра ирмоғи		Шоҳмот донаси			Ахлоқ	
Шиша идиш	Ақл	Салом...			Узун йил	Сериалдаги Палома	Ранг	Бош қийими	Рим саркардаси	Шо...
		Баланд ҳудуд								
Металл		Вулкон моддаси							Узоқ Шарқ ўлкаси	Етим...
Истикбол	Гуруҳ		Сув йўли	Сўроқ оломоши						
				Катта идиш						
Шамсия ойи	Нутқ тарзи	Симобли қотишма		Пойтахти-Рейкьявик					Латиш адиби	
					Эркақ исми				Жун газлама	Аваз...
										Хаво қатлами
Бино қисми				Қора олтин	Эй (китобий)		Самолёт	Қуш аъзоси	Ўсимлик	... тэн
							Кўйлак қисми			Адабиётшунос олим, шоир
							Силикатли маъдан			
				Соз	Зурриёт «... Каренина» романи					Рақам
										Олов
					Хордиқ					Катъийат
Ковун нави	От зоти	Бутундан кичик	Жайдари от	Ҳажвиёт қахрамони	Иситиш қурилмаси	Елвориш	Куй қисми	Тулов	Ҳинд давлат арбоби	
	Илк ҳосил								Вазият, шароит	
		Кўрсатиш аломоши	Тоҳир... (хонанда)					Тошқин	Иш ижроси	
				Ўзбек шоири	Муслмонлик фарзи			Хитой сози		
							Базак мато			
							Чохарёр			
		Яҳудий ёзувчиси	Нон пиширувчи							
			Ҳаёт	Буйсуниш						
					Рўзгор буюми					
		Сиртеиз доира	Хашарот	Математик олим						
		... лавҳа								



Камола ОРИПОВА тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: Мармар. Ём. Асаб. Заққум. Айём. Оила. Ишбилармон. Саломатлик. Аср. Фикр. Қардош. Зафар. Ёл. Балиқ. Опа. Ун. Баён. Анд. Ором. Шиор. Оқ. Ми. Иш. Аквариум. Қулба. Кеча. Азамат. Ложа. Дев. Тор. Олим. Оқибат. Мис. Ананд. Зайнаб. Зона. От. Тонг. Кон. Зиён. Вар. Карт. Кактус. Зийрак. Бой. Айова. Ар. Йод. Ва. Або. Найранг. Обаки. Ор. Калькулятор. Эшелон.
 БУЙИГА: Ҳамма. Маңтиқ. Зарафшон. Машъал. Раиса. Лаззат. Бор. Дока. Бу. Нақл. "Лада". Рубоб. Зал. Лаос. Ли. Омбор. Қармоқ. Шанба. Радон. Дунё. Режа. Шим. Атоий. Ариза. Катангенс. Икромий. Ик. Фёдоров. Иван. Пайшанба. Боб. Лалмикор. Шам. Ел. Синов. Чит. "АН". Камолот. Орипов. Ой. Бахтиёр. Достон. Арка. Куй. Зирак. Кўзойнак. Уфа. Эдгар. Банк. Айил. Дайл. Уй. Баст. Он. Аср. Йил. Ёр.
 КАЛИТ СЎЗ: Бетга боқма, танга боқма, ичидаги жонга боқ, ("Оталар сўзлари" ҳикматлар тўпламидан).

СПОРТ + ФУТБОЛ



Кеча жаҳоннинг бир нечта мамлакатларида футбол бўйича 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари ўтказилди.

Футбол. Жаҳон чемпионати - 2006. Осиё минтақаси саралаш учрашуви

Осиё минтақасида биринчи босқич саралаш учрашувлари натижасига кўра, ўз гуруҳларида голиб чиққан жамоалар ҳам ҳал қилувчи иккинчи босқич ўйинларини бошлаб беришди. Ушбу босқичнинг дастлабки учрашувини Ўзбекистон миллий терма жамоаси "Пахтакор" марказий стадионида Саудия Арабистони терма жамоаси билан ўтказди. Катта футболни соғинган 40000 мингдан ортиқ футбол ишқибозлари гувоҳлигида бўлиб ўтган мазкур учрашув 1:1 ҳисоби билан якунланди.

Лекин аслини олганда, Саудия Арабистонида футбол бўйича чемпионат аини авжига чиққан ушбу кунларда бизнинг футболчиларимиз

вақт ўтди, термамиз ўқув-йиғин машғулотлари асосан маҳаллий футболчилар билан кечди. Шу кун майдонга тушган термадан атиги тўрт нафаригина ушбу машғулотларда, қатнашишган

кўнглимизда кечган "яна Жаҳон чемпионатига бора олмас эканмиз" деган фикрни ҳайдаб юборишди.

Ҳозир руҳий тушкунликка тушмасдан биринчи босқич ўйинларини ёдга олайлик.

такрорланокда. Яна бизга бегона бўлган мавсумда тўп суриш, яна дуранг, яна сўнгги дақиқаларда майдонга тушган А.Солиев жонимизга оро кирди. Демак, ушбу тўпни бемалол Германияга

бориш йўлини очиб берган тўп деб ҳисоблашга ҳақимиз бор. Бизда ҳам яқинда мавсум бошланади, сардоримиз Миржа-

АНВАРЖОН СОЛИЕВ — «СЕҲРЛИ ТАЁҚЧА»

ЁХУД ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА



Терма жамоамизнинг энг қамтарин ўйинчиси А. Солиевни ўйиннинг сўнгги дақиқаларида майдонга туширган Ю. Геде тўғри қарор қабул қилди.

Кўпчилик ишқибозларимизни ушбу натижа қониқтирмаслиги табиий. Сабаби оддий, ҳар бир футбол мухлиси жамоасининг ўз уйида ғалаба қозонишига ишонади ва шуни кутади.

нинг ҳар бири сўнгги расмий учрашувларини ўтказишганига камида уч ойдан кўпроқ

Аввалида ўйини унчалик қовушмаётган футболчиларимиз матонат кўрсатишиб,

эди. Шу сабабли терма мизни ёки унинг бирор бир ўйинчисини таниқилишга ҳозирча ҳақимиз йўқ. Ушбу ўйин ҳали кўп ваҳўп муҳокама қилинади. Сабаби, жамоамиз дарвозасига йўлланган тўп бизнинг назаримизда ўйиндан ташқари ҳолатда киритилди.

Ушанда ҳам ҳали бизда футбол мавсуми бошланмасдан туриб Ироқ терма жамоаси билан баҳс олиб борган эдик. Биринчи бўлиб ҳисобни рақибларимиз очиб, захирадан майдонга тушган Анваржон Солиев дурангни таъминлаган эди. Лекин яқинда биз гуруҳда биринчи ўринни эгалладик. Тарих яна

лол Қосимов яна майдонга қайтади ва биз ҳар қандай рақибни яна доғда қолдиришимизга ишонамиз.

Газетамизнинг кейинги сонларида ҳали бу мавзуга қайтамиз ва сиз, футбол мухлисларини бу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашишга чақирамиз.

Азим МУЗАФФАРХОНОВ.



Учрашувнинг сўнгги дақиқаларидаги қувончли лаҳзалар.

БАРАКАЛЛА, ПОЛВОН ЙИГИТЛАР!

Тошкентдан келган хушxabарлар Хоразм вилояти ИИБ шахсий таркибини қувонтирди. Қўл жанги бўйича 30 га яқин жамоа иштирок этган нуфузли мусобақада хоразмликлар фахрли тўртинчи ўринни эгаллашди. Питнак шаҳар ИИБ жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси тезкор вакили, лейтенант Алижон Абдуллаев ва вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходими, сафдор Азимбой Иброҳимовлар ўз вазн тоифасида бронза медалларини қўлга киритишди.



Алижон Абдуллаев

воҳамизнинг умидли полвонларидан. У кураш сирларини отаси, машҳур полвон Бобоҳон акадан ўрганган. Алижон самбо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпионати совриндори. Бир неча халқаро турнирлар голиби, республика чемпиони.

Азимбой Иброҳимов ҳам ёш, келажак порлоқ спортчилардан бири. Азимбой эндигина 20 ёшни қаршилади. Самбо ва кураш бўйича спорт устаси. Гарчи қўл жанги бўйича биринчи бор республика чемпионатида қатнашган бўлса ҳам бу учрашув унга омад келтирди.

Бу икки спортчимиз кураш бўйича халқаро турнирда қатнашиб, унда ҳам учинчи ўринни эгаллаб, яна иккита бронза медални Хоразмга олиб қайтишди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, майор.

Суратда: лейтенант Алижон Абдуллаев (ўнгда) ва сафдор Азимбой Иброҳимов.

Муаллиф олган сурат.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда Хоразм вилояти ички ишлар идоралари ўртасида баскетбол бўйича 20 га яқин жамоа иштирок этган саралаш учрашувлари бўлиб ўтди.

Барча ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказган вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими, Урганч шаҳар ИИБ, Хонқа тумани ИИБ ва вилоят ИИБ марказий девони жамоалари навбатдаги босқичга йўлланма олишди.

Урганч давлат университетининг ҳашаматли спорт саройида ана шу тўрт жамоа ярим финал ўйинларида ўзаро баҳслашдилар.

Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими, мана, бир неча йилдирки, ушбу спорт тури бўйича пешқадамлик қилиб келмоқда. Бу гал ҳам голиблик уларга насиб этди.

Хонқаликлар иккинчи, вилоят ИИБ марказий девони жамоаси учинчи ўринларни эгаллашди.

Вилоят ИИБ хўжалик бўлими ходими, катта сержант Шодлик Бобоҳонов "Энг яхши ҳужумчи", қўриқлаш бўлими катта сержанти Комилжон Жабборов "Энги яхши ҳимоячи", Хонқа тумани ИИБ қўриқлаш бўлими ходими, сержант Руздат Султонов "Энг яхши тўпурач", Урганч шаҳар ИИБ профилактика инспектори, лейтенант Зафар Урозбоев "Энг самарали ўйинчи" деб топилди.

Ғолибларга вилоят "Динамо" ФСЖ нинг Фаҳрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Умиджон РАҲИМОВ, катта лейтенант.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Яқинда Наманган шаҳридаги "Дўстлик" теннис клубида "Наманган ҳақиқати" газетасининг собиқ муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фарҳод Йўлчиев таваллудининг 60 йиллигига бағишланган очик теннис турнири бўлиб ўтди.

Хотира турнирида вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Аҳмаджон Усмонов, вилоят коммунал хўжалиғи ходими Адҳамжон Зиётов ва профессионал теннисчи Арсен Асановлар ўз гуруҳларида голибликни қўлга киритдилар.

Борис КЛЕЙМАН.

МИНИФУТБОЛ БЕЛЛАШУВИ

Жиззах вилояти ИИБ "Динамо" ФСЖ томонидан "Динамо" спорт мажмуасида минифутбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар идораларининг 18 та жамоаси иштирок этди.

Икки кун давом этган қизиқарли баҳсларда вилоят ИИБ ЁХБ жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Жиззах шаҳар ИИБ спортчиларига иккинчи, йўл ҳаракати хавфсизлиғи бошқармаси жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди.

Жиззах шаҳар ИИБ ходими, сержант Х. Абдулқосимов "Энг яхши дарвозабон", ЁХБ ходими, кичик сержант М. Абдуллаев эса "Энг кўп тўпурач" деб топилди.

Мусобақа голибларига совринлар топширилди.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ.

Sportlotto
1970 йилдан бери Lotereyasi

158-ТИРАЖ
09.02.2005

112040 чипта 231632 вариантда
иштирок этди.

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

4 36 19 20 15 8

6 та рақам — йўқ.

5 та рақам — 21 чиптанинг 21 вариантыда тўғри топилган. Уларнинг ҳар бирига 88241 сўмдан берилади.

4 та рақам — 852 чиптанинг 895 вариантыда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 4141 сўмдан берилади.

159-тираж учун

ЖЕК ПОТ 128.756.488 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси

ҲУҚУҚИЙ



МАСЛАҲАТХОНА

E-mail: urmvd@globalnet.uz Тел.: 54-37-91

КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Кўшни республикада туғишган опам ўз оиласи билан яшайди. Уникага меҳмонга бориш учун божхона чегарасидан ўтишимга тўғри келади. Айтингчи, фуқаро чегарадан ўтаётганида нимага асосланиб кўздан кечирилади ва бу жараёнда унинг ҳуқуқлари қандай?

Н. ҲАСАНОВА,
Тошкент тумани.

Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 5 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага кўра шахсни кўздан кечириш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- а) фуқароларнинг хабарлари ёки аризалари;
- б) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан тушган материаллар;
- в) хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг маълумотлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси-

нинг божхона органларидан келган ахборотларда мавжуд бўлган тегишли маълумотлар;

д) жисмоний шахс томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтилиши тақиқланган ашёлар яширилаётгани ва божхона назоратига тақдим этилаётганлиги тўғрисида гумон қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита ишора қилувчи аломатларнинг божхона органи мансабдор шахси томонидан аниқланиши.

Кўздан кечириш ўтказилаётган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга: божхона органи мансабдор шахсидан кўздан кечириш ҳақидаги қарор кўрсатилишини талаб қилиш;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишиш;

ўз эътирози ёки норозилигини ёзма ёки оғзаки маълум қилиш;

тушунтириш ва тавсифлар бериш;

кўздан кечириш натижаси бўйича тўлдирилган баённома билан танишиш, унинг мазмуни бўйича ўз эътирозларини билдириш;

таржимон хизматидан фойдаланиш;

кўздан кечириш жараёнида ҳимоячи қатнашишини талаб қилиш ва унинг хизматидан фойдаланиш;

кўздан кечириш чоғида қўлланилган хатти-ҳаракатлар юзасидан ҳамда кўздан кечирган шахс ва бошқа иштирокчилар устидан шикоят қилиш.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фуқарони кўздан кечириётган божхона органи мансабдор шахсининг ноқонуний хатти-ҳаракати натижасида ва кўздан кечириш оқибатида кўздан кечирилаётган шахснинг мулкига етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қопланади.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНГАНДА...

Вилоятдаги корхоналардан бирида ишлар эдим. У тугатилиши муносабати билан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилди. Аммо бу ҳақда мени олдиндан огоҳлантирмади. Шу тўғрими?

Зулхумор АБДИЕВА,
уй бекаси.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг иш берувчи томонидан бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилиши унга бериладиган кафолатлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда меҳнат қонунчилигида ходимларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кафолатлар назарда тутилган. Бўшатиб юборилган ходимларга тегишлича кафолатлар бермаслик тегишли мансабдор шахслар томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинишини гайриқонуний деб топишга олиб келиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи ходимга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларни эмас, балки жамоа келишувида ёки шартномасида, бошқа локал ҳужжатларда қайд қилинган кафолатларни ҳам бериши мумкин.

Меҳнат шартномасини келгусида бекор қилиш тўғрисида олдиндан огоҳлантириб қўйиш Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор Конвенцияларида назарда тутилган ва меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқнинг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Яъни, шу вақт мобайнида ходимнинг иш жойи ва ойлик маоши сақланади. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги

келишувга биноан огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Огоҳлантириш муддати мобайнида иш берувчи ҳар бир ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун иш ҳақини сақлаган ҳолда бўш вақт бериши керак.

Меҳнат кодексининг 237-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бўлган аёлларни иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Агар бу корхона тугатилиши муносабати билан бўлса, у ҳолда огоҳлантириш муддати даврида ва корхона тугатилгандан сўнг ҳам уларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш иш берувчига юклатилади.

Иш берувчи бўлажак ишдан озод этиладиган ҳар бир ходим ҳақида маълумотлари кўрсатилган маълумотни маҳаллий меҳнат органига етказди. Мансабдор шахс бу шартни бажармаса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 229-моддасига биноан унга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Ҳамроҳон МУСАБОВЕВА,
катта ҳуқуқшунос-маслаҳатчи.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

МУАЛЛИМ ВА ОВ МИЛТИҒИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг дала майдонидан қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси Назрулло Ягмуровнинг бошига тўмтоқ жисм билан жароҳат етказилган ҳолдаги жасади топилди. Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида ушбу қотилликни содир этган шахс аниқланди. Марҳумнинг Олот туманилик ҳамқишлоғи, спорт мактаби ўқитувчиси А. Ахтам у билан жанжаллашиб қолиб, ўзига тегишли, ИИБда рўйхатда бўлмаган "ТОЗ-34" русумли ов милтигининг кўндоғи билан бошига уриб ўлдиргани маълум бўлди. Гумондорнинг уйдан ўқ отар қурол ашёвий далил сифатида олинди.

ИЧКИЛИКНИНГ ЯНА БИР КАСОФАТИ

Спиртли ичимлик меъеридан ошиб кетса инсонни не куйларга солиши, талайгина кулфатлар келтириши сир эмас. Тошкент вилояти Чиноз туманилик Р. Баҳром бундан унутган чоғи, бирор жойда ишламаса-да, кимдандир пул олиб, маст бўлгунча ичди. Кейин ичкилик билан вужудига ўрнашиб олган шайтоннинг куткусига учиб, фикри бузилди. У пенсионер Олимжон Юсуповни кўрқитиб, чарм курткаси, фуқаролик паспорти ва 5000 сўм пулини олиб қўйди. Талончи энди жуфтакни ростлаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

МАШИНАДАГИ БОСҚИНЧИЛАР

Айни ақли тўлишиб, ўзидан кичикларга насиҳат қиладиган ёшдаги киши бирор тайинли ишда ишламагач қандай кун кўриши мумкин? Ё ўғрилиқ қилади, ё кимнидир тунайдди. Қибрай тумани Салор кўрғонилик ишламайдиганлар Ш. Равшан ва М. Мирҳамиднинг қилмиши бу фикрнинг яна бир исботидир. Улар ўзаро тил бириктириб, "Тошкент аграр университети" автобекатида Фазлиддин Шарипов бошқарувидаги "ВАЗ-21011" русумли автомобилга йўловчи сифатида ўтирдилар. Май қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига етиб келишганда ҳайдовчини пичоқ билан кўрқитиб, машинадан тушириб юборишди. Босқинчилар машинани ҳайдаб кетишаётганда ИИБ ходимлари уларни қўлга олишди.

ГУГУРТ ҚУТИСИДА... МАРИХУАНА

Денов тумани 8-март кўчасида яшовчи И. Бахтиёр одамларни ўз исмига монанд ҳолда кўришни истаганда жиноятга қўл урмас эди. Афсуски у оғу тарқатиб, унинг домига тушганлар ҳаётини қора зулматга айлантиришга уринди. Гиёҳфуруш Гулзор бозори яқинидаги "Қизил сув" ошхонасида 25 дона гугурт қутисига жойланган марихуанани 112.500 сўмга сотаётганда шу ерда тадбир ўтказётган ички ишлар ходимларининг тузоғига илинди. У қилмишига яраша жавоб беришига тўғри келди.

ТОҒОРАГА ҚЎЙИЛГАН ЧЎҒ

Бу йил қиш ўз номи билан қишлигини қилди, десак хато қилмаймиз. Кетма-кет ёғаётган қорлар натижасида ҳавонинг совиб кетиши айрим ҳудудларда газ босимининг пасайиши, бу эса хонадонларни иситишда муаммолар келиб чиқишига олиб келаяпти. Шундай синовли дамларда айрим фуқаролар масъулиятни унутишаётгани туфайли кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Жоғолбойли қишлоғида яшовчи 1-гурух ногирони Қосим Ашуров тоғорага чўғ солиб исинишга уринди. Бунинг оқибатида ёнгин келиб чиқиб, унинг 35 кв. метр майдондаги том қисми ҳамда жиҳозлар ёнди. Хонадон соҳиби эса тутундан димиқиб, ёруғ оламдан кўз юмди. Ҳаётда шундай ҳам қийналиб яшаётган бир фуқаронинг аянчли қисмати газдан ноқонуний йўллар билан фойдаланаётганлар учун сабоқ бўлишини истардик.

«Диққат, болалар!»

ҲАММА ИШТИРОК ЭТЯПТИ

Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли бундай кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ўқувчиларнинг «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг болалар ҳаракати устидан назоратини ку-

чайтириш, аҳоли ўртасида ҳаракатланиш хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш мақсадида Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан шу йилнинг 6 февралдан 16 февралга қадар «Диққат, болалар!» тадбири ўтказилмоқда.

Тадбир давомида вилоят автомобиль йўлла-

рининг аҳоли, йўл белгиларининг мавжудлиги, йўл иншоотлари назорат кўригидан ўтказилди. Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, корхона ва ташкилотларда йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари ҳамда хунук оқибатлари тўғрисида суҳбатлар уюштириляпти. Жамоат жойлари ва умум фойдаланишдаги транспорт воситаларида болалар-

ни бахтсизликлардан сақлаш, уларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатишда ўрнатилган бўлишга чақирувчи 1000га яқин реклама-плакатлар тарқатилди.

Шу ўринда бу тадбирда ота-оналар ва катта ёшдаги юрдошларимизнинг фаоллик кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш – уларнинг сиҳат-саломатлиги, ҳаётининг давомийлиги, юртимиз келажagini таъминлаш демакдир.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
вилоят ИИБ ЙҲХБ
катта инспектори, майор.

«01» хабар қилади

«ХҲРОЗҚАНД ХОРИЖНИКИ БЎЛСА...»

Қиш мавсуми кириб келиши билан газ ва электр мосламалари ҳамда иситиш ускуналаридан фойдаланишда эътиборли бўлиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш бўйича мунтазам профилактик ишлар олиб бориляпти. Аммо кейинги вақтларда газ мосламаларидан фойдаланишда фуқароларимиз томонидан қоидаларнинг бузилиши натижасида турли хил кўнгилсиз ҳолатлар юзага келмоқда. Йилнинг ўтган даврида республикамиз ҳудудидан мингдан ортиқ содир бўлган ёнғин натижасида 67 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган, 10 киши бевақт ҳалок бўлган. Ушбу ёнғинлар-

нинг бир қисми газ мосламаларидан нотўғри фойдаланиш туфайли юзага келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги вақтда мамлакатимиз ҳудудига хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган газ ва электр асбоблари сотиш учун келтирилмоқда. Лекин «Хўрозқанд хорижники бўлса...» иборасига амал қиладиган айрим фуқароларимиз улардан

фойдаланиш технологияларини яхши ўрганмасдан, билмасдан ишлатишлари оқибатида кўнгилсиз воқеалар рўй бермоқда. Масалан, Бухоро, Жиззах ва Тошкент вилоятларида хорижда ишлаб чиқарилган табиий газда ишлайдиган иситиш печидан нотўғри фойдаланиш оқибатида газдан заҳарланиб олти киши бевақт ҳаётдан кўз юмган, тўрт нафар фуқаро

ҳозирги кунда шифохонада даволаняпти.

Мазкур иситиш мосламаларидан фойдаланиш қўлланмалари инглиз, араб ва форс тилларида бўлгани боис аҳолининг аксарият қисми танишиб чиқиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлмапти. Мутасадди ташкилотлар, савдо ходимлари, тижоратчилар масаланинг ана шу томонига жиддий эътибор беришлари керак, деб ҳисоблаймиз. Юрдошларимизга газ мосламаларини меъёрдан ортиқ ишлатиш, қиздириб юбориш, уйдан чиқиб кетаётган вақтда ёқиб қолдириш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келишини эслатиб ўтамыз.

Даврон ҚАМБАРОВ,
капитан.

Ҳожимурод Раҳмонович АЛИМОВ



Бешафқат ўлим ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар номзоди, маъмурий ҳуқуқ фанининг ривожига катта ҳисса қўшган ажойиб инсон, жонкуяр мураббий Ҳожимурод Раҳмонович АЛИМОВни ора-миздан олиб кетди.

Х. Алимов 1931

йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, ҳарбий хизматга қақрилади. Хизматдан сўнг Тошкент ўрта милиция мактабида таҳсил олади ва уни битиргач шу ерда ишлай бошлайди. У хизмати жараёнида ҳуқуқ илмини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилади ва ҳуқуқшунослик бўйича олий маълумот олади.

Унинг Республика ИИБ Тошкент олий мактабидаги фаолияти айниқса қизғин кечади. Маъмурий ҳуқуқ кафедраси доценти, кафедра бошлиги лавозимларида 2000 йилгача самарали меҳнат қилди.

Республикамизда маъмурий ҳуқуқ фанининг ривожига Х. Алимовнинг муносиб ўрни бор. У Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Айни кунларда олий ўқув юртида қўлланилаётган «Маъмурий ҳуқуқ» дарслиги унинг қаламига мансубдир. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар» китоби айниқса, катта аҳамиятга моликдир. Шунингдек, у ўз фаолияти давомида 50дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари, услубий тавсиялар яратди.

Ҳуқуқ фанининг жонкуяри, меҳрибон устоз Ҳожимурод Алимовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти,
шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

Хизматларда

БЕПАРВОЛИК ЗАМИРИДАГИ КЎНГИЛСИЗЛИКЛАР

Ер юзасида содир бўлаётган кўнгилсиз воқеаларнинг ярмидан кўпини йўл-транспорт ҳодисалари ташкил этаркан. Оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё бўйича 700 минг нафарга яқин одам автомобиль ҳалокати натижасида вафот этади. Шу боисдан бу ҳодисаларнинг олдини олиш, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Вилоятимиз ҳудудидан ўтган йили 863 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Рақамларни таҳлил этганимизда ҳодисалар Андижон, Асака, Бўз, Булоқбоши ва Хўжаобод туманларида аввалги йилга нисбатан кўп қайд этилганини кўриш мумкин.

Кўнгилсизликлар кўплай ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларига бепарволиклари, тезликни меъёрдан оширишлари оқибатида рўй бермоқда. Кўргонтепа туманида яшовчи Ш. Қосимов «Камаз» русумли машинасини катта тезликда бошқариши аянчли ақуланди. Йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтаётган М. Юнусов машина остида қолиб, вафот этди. Йўл четидан топилган Андижон шаҳрилик Р. Қрасильникованинг жасади суд-тиббий кўригидан ўтказилганда, у йўл-транспорт ҳодисаси натижасида вафот этганлиги маълум бўлди. Вилоят ЙҲХБ ходимларининг суриштирувлари натижасида

мазкур ҳодисани содир этган шахс аниқланди. У Андижон шаҳрида яшовчи Б. Раҳим бўлиб, «Дамас» русумли машинасини тунда бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган Р. Қрасильниковани уриб юборади. Воқеа жойида ҳеч қандай гувоҳ йўқлигидан фойдаланган ҳайдовчи, жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб кетади. Кўриниб турибдики, йўл тасодифлари туфайли инсонларнинг умри заволят топмоқда. Уларнинг хонадонларидаги шодлик ўрнини ғам-ғусса эгалламоқда. Хўшёрликни унутган ҳайдовчининг ёки пиёданнинг биргина хатоси қанчалик мудҳиш оқибатларга олиб келаётгани ҳар бир инсоннинг қалбини ларзага солади.

Бу каби кўнгилсизликларнинг бўлмаслиги нафақат ҳайдовчилар, балки ҳаракат қатнашчилари бўлган оддий фуқароларга ҳам боғлиқ эканлигини асло унутмайлик.

Бахтиёр АҲМАДОХУНОВ,
полковник.

Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда барча зарур чораларни кўришмоқда. Улар бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда «Тун», «Диққат болалар», «Темир йўл кесишмаси», «Арсенал», «Фуқаро» каби ўнлаб тадбирларда фаол иштирок этишяпти.



ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

– Қиш мавсуми транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун бир қатор қийинчиликлар туғдириши табиий, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Аҳмадjon Бекчонов. – Айниқса, бу йилги ёнғингарчилик ва совуқлар туфайли йўлларда ҳаракатланишни янада хўшёр назорат қилишни тақозо этипти. Профилактик ишларга катта эътибор берилмоқда. Шу маънода корхона, ташкилотлар, ширкат хўжаликлари муҳандис-техник ходимлари билан учрашувлар ўтказиб, улар автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини доимий назорат қилиб боришлари лозимлиги, айниқса, йўлга чиқаётган автомашина ва тракторларни жиддий кўриқдан ўтказиш зарурлиги алоҳида уқтирилмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.

СУРАТДА: Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ ахборот диспетчерлик хизмати катта инспектори, катта лейтенант Хурмат Қаландаров навбатчи ёрдамчиси, старшина Аҳмадjon Матёқубов билан хизмат пайтида.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ХАЁТНИНГ ОҚ ВА ҚОРА ЧИЗГИЛАРИ

ҲИММАТЛИ «ҚУДРАТ ОТА»

Одатда бирор киши ҳақида гап кетганда даставвал унинг феъл-атвори, одамийлиги, эл аро тутган мавқеи ва яхши ишлари тилга олинади. Қудратилло Ҳуроқов ҳам юрт, халқ манфаати учун хизмат қилиб, элда эътибор топган инсонлардан.

Қудратилло ака асли каттакўрғонлик. Бошланғич маълумотни қишлоқ мактабидан олган, 1948 йилда ички ишлар идорасига ишга кирди. Бир вақтда кечки мактабда ўқиб, 10-синфни битирди. Қудратилло учун хизматнинг оғир синовлари бошланган эди. Негаки у бандитизм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимида машаққатли меҳнат билан банд бўлди.

– Ҳанда 50-йиллар эди, – дея эслайди Қудратилло Ҳуроқов. – Техника тақчил, фақат от ва аравадан фойдаланамиз. Шундай кезларнинг бирида қамокдан қочган бир босқинчи ҳақида маълумот олдик. Маълумотда айтилишича, у Жом (ҳозирги Нуробод) туманидаги қишлоқлардан бирида яшириниб юрган экан. Шундай қилиб, ўта хавфли жиноятчи изидан отда йўлга тушдим. Унинг қариндошлари, таниш-билишлари суриштирилди. Аммо дараги чиқмади. Хўжалик раиси ҳиммат кўрсатиб, йўл кўрсатувчи қўшиб берди. Унинг ёрдамида жиноятчини Тожикистоннинг Қўрғонтепа туманидан уш-

ладик. Шу хизматим учун менга дастлабки мукофот – кичик лейтенант унвони берилди.

Шундан сўнг у бутун борлиги билан ички ишлар ишига киришиб кетди. Ҳадемай катта лейтенант унвонига эга бўлди. 1959 йилда уни Олий милиция мактабига ўқишга йўллашди. Ўқишни имтиёзли битиргач, Навоий шаҳар ИИБда бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1967 йилдан эса Каттакўрғон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлаб бошлади. Эл-юрт тинчлигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда самарали меҳнат қилди. 1977-1982 йилларда Жомбой тумани ИИБ бошлиғи лавозимида ишлади. Бу вақтга келиб у подполковник унвонини олган эди. 1982 йилдан то нафақага чиққунга қадар вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги ички ишлар ходимларини қайта тайёрлаш мактабини бошқарди.

Умрининг саксонинчи баҳори яқинлашганда ҳам Қудратилло ота тиниб-тинчиётгани йўқ. У икки гектар ер ажратиб олиб, “Қудрат ота” фермер хўжалиги ташкил қилди. Ҳозирда мазкур майдонга буғдой, маккажўхори экиб, ҳар йили юқори ҳосил олиб келаётир. Олинган даромад ҳисобидан Каттакўрғон тумани “Нуроний” жамғармасига салмоқли улуш ажратмоқда.

У. НОРМАТОВ.

СИЗ ВАТАННИНГ ЎҒЛИСИЗ, АКА!

Инсон зоти борки, у ҳар қандай ғам-ташвишга вақт ўтиши билан кўникиб боради. Ҳар қандай дардга даво, малҳам топади. Лекин қалб яраси, дил ярасига-чи? Энг суюкли жигарбандидан айрилиққа-чи?

Сиз орамизда йўқсиз. Наҳотки, кичкинагина жуссангиз бу кенг оламга сизгами? Отамдан эрта айрилганимиз етмагандек, сиз ҳам бизни бевақт ташлаб кетдингиз. Ҳаётлигингизда бизни еру кўкка ишонмас эдингиз. Энди-чи, энди кимга ишониб ташлаб кетдингиз, акажон? Биз сизни ака эмас, ота деган эдик. Эндигина йигирма баҳорни қаршилаганингизда, елкангизга оғир юк тушди: отажоним бизларни сизга ишониб ташлаб кетдилар. Бизни тарбиялаганингиз, ўқитганингиз, билмаганимизни ўргатганингиз. Кундалик дафтаримизни текширганингизда “аъло” баҳоларимизни кўриб қанчалар қувонар эдингиз-а! Ўқишни тамомлаб, ўқитувчилик дипломини олганимизда қувонганингиз чексиз эди, чунки ўқитувчи бўлишимизни жуда истардингиз...

Аваллари сафдошларингизни, дўсту биродарларингизни кўриб қолсам, уларнинг ораларидан сизни қидирар, топиб, ёнингизга югуриб борар эдим. Сиз ҳам қувониб кетар эдингиз. Энди-чи, ҳали-ҳануз уларни учратсам... кўзларимизда эса ёш қалқийди.

Онаизоримиз сизни инсон ҳаваси келадиган қилиб тарбиялади. Сизни таниган одамлар, ўғлим Иброҳимжонга ўхшасин деб ният қилишар, исмингизни ҳурмат билан тилга олишарди...

Акажон номингиз ҳеч қачон ўчмайди! Яқинларингиз, сафдошларингиз, дўсту биродарларингиз, она-Ватанингиз сизни ҳеч қачон унутмайди! Ватан учун, керак бўлса, мени деб жонидан кечган фарзанднинг синглиси бўлишдек дард ва роҳатни мендан сўрашсин.

Ватанфурушлар хуружи пайтида ҳалок бўлган катта сержант
Иброҳимжон Норметовнинг синглиси
ФЕРУЗА.

ОДАМ ОДАМГА ҒАНИМАТ

– Оғайни, Хоразмгача олиб борасизми, айтган пулингизни берман! – деди “Нексия” автомашинаси ҳайдовчисига йўловчи.

– Бош устига, акахон, ўтиринг, кўп демайман, эл қатори берасизда, бориға барака! – дея йўловчига машина эшигини очди ҳайдовчи.

– Ундай бўлса мен ҳам сизларга ҳамроҳ, йўлда тушиб қоламан, – яна бир йўловчи сумкаларини олиб, машинанинг орқа ўриндигига жойлашди. Ўша кун 2004 йилнинг 17 сентябрь соат 16.30 чамаси эди.

Ислом Тўлаев бошқарувидаги 20Л 77-90 давлат рақамили “Нексия” автомашинаси “Бухоро-Газли” йўналишидаги йўлнинг Бухоро шаҳар руҳий касалликлар касалхонаси қаршисига етганида фалокат юз берди. Машина ўзи билан бир йўналишда бораётган “ВАЗ-2106” русумли автомашинанинг олд қисмига урилиб, сўнг йўналишига қарама-қарши йўлга чиқиб, бетон тўсиққа урилди. Машинадаги тўрт йўловчидан икки нафари – Ҳамрокул Аминов ва Оймурод Абдуллаевлар оғир жароҳат олишди. Уларни Ислом Тўлаев “ВАЗ-2106” русумли машина эгаси билан бирга йўловчи машиналарда Бухоро шаҳар касалхонасига олиб боришди. Жароҳатланганларни керакли дори-дармон билан таъминлашди.

Ҳайдовчидан ўз зиммаларидаги масъулиятни яхши англашганда, йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қилишганда ана шундай кўнгилсизлик юзага келмас эди. Эзгу ниятлар ила йўлга чиққан йўловчилар кўзлаган манзилига хавф-хатарсиз, ўз вақтида етиб боришарди. Бироқ эътиборсизлик, шошқалоқлик туфайли йўловчиларнинг ҳаёти хавф остида қолди. Яхшиямки, шифокорларнинг муолажаси ёрдам берди. Ҳайдовчи йўловчиларга етказилган зарарни қоплаганиги, қилмишидан пушаймонлиги, улар билан ўзаро ярашганлиги инobatга олиниб, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Бироқ шу ўринда ўйланиб қолсан, киши. Автофалокат оқибатлари фожиали яқун топиши ҳам мумкин эди-ку! Ромитан тумани Шўрча қишлоғида истикомат қилувчи, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, тўрт фарзанднинг отаси Ислом Тўлаев эҳтиётсизлик оқибатида сал бўлмаса, катта фожиага сабабчи бўларди. Оламга, одамга эътиборли бўлайлик!

Ибодилло ОДИНАЕВ,
Бухоро тумани прокурори ёрдамчиси.

УЛФАТЧИЛИКДАН БОШЛАНГАН КУЛФАТ

Андижон шаҳрида яшовчи Нусрат тунда кўнгилга яқин танишлари билан дилхушлик қилишни ёқтиради. Бундай пайтда қаҳвахона, барларга ҳам ҳожат йўқ. Кўчадаги бирор ўриндиқ ҳам бўлаверади. Бунинг афзаллик томони шундаки, биринчидан ортиқча пул сарфламайсан, иккинчидан хоҳлаганингча ўтирасан. Худди ўз уйингда ўтиргандек яйрашинг мумкин.

Ўша кун Нусрат ҳам 4-кичик туманда яшовчи таниши Асрор билан бироз дам олмоқчи бўлди. Асрор уйда экан, оғайнисини ичкарига таклиф қилди.

– Кўй, шу уйни, – чўрт кесди Нусрат. – Кўчада, бир чеккада яйраб ўтирайлик. Менда битта ароқ бор.

– Майли, – таклифга рози бўлди Асрор. – Мен ул-бул олиб, пастга тушаман.

Нусрат кўпқаватли уйларнинг олдига ўрнатилган ўриндиқда Асрорни кута бошлади. Асрор бир кўлида газак, иккинчисидан пичоқ билан тушди. Икки улфат ўриндиқда ўтирганча, ароқ ичишди. Помидор ва бошқа нарсаларни тўграб, газак қилишди. Атрофда одамлар кўп, айримлар кечки сайрдан қайтишмоқда. Асрор билан Нусратнинг эса улфатчилиги авжига чиққан. Кайфлари ошиб, дўстона муносабатлар аста-секин бир четга сурила бошлади. Нусратнинг феъли бошидан аён эди. У бироз кайф қилди дегунча низо чиқаради. Бир марта судланиб, ҳаётнинг аччигини тотиб кўрган бўлишига қарамай, ҳануз эски феълени ташламаган.

Ҳаммаси Нусратнинг Асрордан қарз сўрашидан бошланди.

– Менга қара, ошна, – Асрорга юзланди Нусрат. – Минг сўм қарз бериб тур.

– Аттанг, пулим йўқ-да, – эътироз билдирди Асрор.

– Кўйсанг-чи, йигит кишида минг сўм пул бўлмаслиги мумкин эмас.

– Ўзингда ҳам йўқ-ку.

– Нима, сен пулим йўқлигини юзимга соялсанми? Бир марта пулсиз қолсам оёқ учида кўрсатар экансан-да.

– Нега ундай дейсан? Сени оёқ ости қилаётганим йўқ-ку.

Униси у деди, буниси бу, хуллас, улфатлар ўртасида можаро келиб чиқди. Асрор ўзини ҳимоя қилар, Нусрат эса Асрорнинг “бурнини ишқаб кўйиш”ни истарди. Боягина таом учун ишлатилган пичоқни олиб, унинг қорнига санчди. Асрор қорини ушлаганча, икки букилиб қолди. Афсуски шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетди. Хали ушалмаган ниятлари кўп бўлган бир йигит касалхонада оламдан ўтди.

Нусрат Мамедов тегишли жазога ҳукм қилинди. Ҳаммаси суд залида яқун топгандек. Аслида шундаймикин? Бир марта боши берк кўчага кириб қолган йигит иккинчи бор бошини деворга урди. Шу билан акли кириб қолармикин? Ёки учинчи бор бош уриши учун харсангтош керакми, бир неча марта суднинг қора курсисидан жой олиш, кимнингдир умрига зомин бўлиш шартми? Наҳотки, биз қилаётган ишимизнинг охири нима билан тугашини ўша ишни бажаришдан олдин фахмлаб етмасак? Ахир инсон умри шундоқ ҳам қисқа-ку...

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

Хар кимки жафо қилса...

Фатхулла чойхона-нинг пешайвонида ўтган-кетганларга қараб ўтирибди. Маҳалла оқсоқоли билан Мансурхожи суҳбатлашиб боришяпти. Оппок сут рангли “иномарка” уларнинг олдига келиб тўхтади. Машинадан тушган йигит кексаларга қўлини кўксига қўйиб салом берди. Қариялар унга нималардир деб, дуога қўл очишди. Йигит яна қўли кўксига машинага ўтириб, йўлида давом этди. Фатхулла уларга қараб бир ижирганиб қўйди.

Бу – Кабир, тенгдоши. Бир пайтлар аранг чоригини судраб юрарди. Энди тадбиркор бўлиб, кимсан – Кабир бойваччага айланди. Дангиллама уй, “иномарка” машина, маҳалланинг каттаю кичиги “Кабир ака, Кабир ака”, деб соясига салом беради.

Ҳа, унда пул кўп. Бир эмас, тўртта фирмаси бор дейишарди. Қани энди булоқдай қайнаб чиқаётган бойликларидан Фатхулла ҳам бахраманд бўлса. Лекин қандай қилиб? Тўғри олдига бориб, қийнаиб қолдим, озгина ёрдамлашиб юбор, деса қандоқ бўларкин? Йўқ, бундай қилолмайди, эшитганлар бир пайтлар Кабирни калака қилиб, кун бермасдинг, энди унга ялиниб қолибсан-ку, дейди.

Ана шундай хаёллар билан ўтирган Фатхулла кўшни сўридаги кишининг баландроқ овозда айтилган гапидан чўчиб ортига қаради.

– Хотини хиёнат қилган экан, бу уй энди менга ҳаром деб бош олиб чиқиб кетибди, – деди у чой хўплар экан.

– Уйини энди тиклаб олганди, чатоқ бўлибди-да, анча меҳнат қилганди, – деди даврадагилардан бири.

– Уй-жойини катта ўғлининг номига ўтқазибди, – деди бошқа биров.

Фатхулла уларнинг суҳбатини эшита туриб, йўқотган нарсасини топган кишидай севиниб кетди. Кабир жуда ориятли йигит. Агар хотини ҳақида гап-сўз чиқса, эл олдигадаги обрўси бир пул бўлишини истамайди, ёпиғлик қозонни ёпик қолдиришга ҳаракат қилади.

У чойхонадан чиқиб, нималарнидир режалаштириб бораётганди, олдидан кўшни кўчада яшайдиган Алижон чиқиб қолди. Йигит унга салом берганди, Фатхулла алик олиш ўрнига унинг қўлидан тутди.

– Алижон ука, омонмисан, ойинг, укаларнинг яхшими?

– Раҳмат, Фатхулла ака, ўзингиз яхши юрибсизми? – деди Алижон табассум билан.

– Кўпдан бери сен билан бир суҳбатлашиш ниятим бор эди, қара укажон, ўзинг ол-

димдан чиқиб қолдинг, – деди Фатхулла.

– Тинчликми ўзи? – сўради йигит.

– Сенинг отанг менга устоз бўлганлар, жуда зўр одам эди. Юр, ука бир устозни эслаб суҳбатлашиб ўтирамиз, – деди Фатхулла.

Отасининг шогирди бўлган йигитнинг раъйини қайтара олмаган Алижон унга эргашди. Фатхулла аввалига Алижоннинг отаси билан тушган суратларни кўрсатди, кейин қачонлардир туғилган кунига совға қилган китобни олиб чиқиб, ундаги ёзувларни кўрсатар экан:

– Мана, Алижон, шу ёзувни раҳматли устоз ўз қўллари билан ёзганлар, – деди.

Дастурхонга овқат келтирилди. Фатхулла мусаллас олиб чиқди. Қўйиб Алижонга узатганди, йигит:

– Энди икковимиз сенинг номингдан Кабирга хат ёзамиз, – деди Фатхулла. – Унда гўё Кабирнинг хотини сен билан бирга бўлганига ишора қилинади. Буни ўқиган Кабир обрўсига путур етишини истамай сени чақириб, буни ҳеч кимга ошкор қилмасликни сўрайди. Сен эса унамайсан. Кейин у катта пул ваъда қилади. Шу тариқа уйларидаги етишмовчиликларни қоплаб оласан, ҳадемай уйланасан, катта пул керак бўлади.

– Йў-ўқ, мен бундай қилолмайман. Ҳали уйланмаган бўлсам, ким ҳам ишонарди. Кабир ака яхши одам, – деди Алижон совуқ таклифдан ўзига келгандай бўлиб.

– Мен уни ёмон деяётганим йўқ, бу билан ҳеч нарса ўзгармайди, мен, сен ва Кабирнинг ўзи билади холос,

Маҳаллада, улфатлари орасида қариндош-уруғлар ўртасида кимсан, Кабир бойвачча деб ном олган одамнинг хотини бир ёш йигит билан кўнгилхушлик қилса-я. Йўқ бунга чидаб бўлмайди. У но-бакор хотинни пул қутуртирган. Кўнглига қараб, нимани истаса олиб берди. Уйдаги шароит-чи, қўлини совуқ сувга урмайди. Уй-жойим, бола-чақам, деб тинмай ишласа, топганини уйга таши-са-ю хотини унинг орини топтаб, тупроққа қорса. Кабир гўё тиконли симга дуч келган илондай тўлганарди.

Сожида бугун манти пиширяпти. Кабир бу таомни жуда хуш кўради, айниқса қовоқ солинганини. У қасқонни энди ўчоққа қўйган эди машина сигнали эшитилди. Чопиб чиққан Сожида дарвозани очди.

мат, наҳотки мен Кабир акамга хиёнат қилсам, – дея онасини кучоқлаб йиғлаб юборди.

– Болам, ким экан сенга тухмат қилган, ўзингни тут, қон босиминг ошиб кетади, – дея она қизини юпата бошлади.

Сожида ўкириб йиғлади-ю жимиб қолди. У ҳушидан кетганди. Онаси фарёд кўтарди:

– Войдод, боламдан ажралиб қолдим, ким бор, дўхтир чақиринглар!

Ичкаридан югуриб чиққан Сожиданинг акаси нима гап-лигини тушунмай, телефонга шошилди, келинойиси ошхонадан чиқиб келаркан, қайнонасининг фарёидан эсанкириб, қўлидаги бир даста пиёлани тушириб юборди...

Касби педагог бўлган Одил ака сингисининг қўлидаги хатни ўқиб, эртасига Алижоннинг уйини излаб келди. Йигитнинг онасига хатнинг тафсилотини, унинг оқибатида бўлган воқеаларни ётиги билан тушунтирди:

– Менимча, ўғлингизга кимдир алдаб ёздирган. Балки куёвимизнинг душманларидан келган иш бўлса керак. Алижонни ўзини кўрганимда, ҳаммасини аниқлардим, уни қаттиқ койиманг, – деб чиқиб кетди.

Элнинг оғзига этак тутиб бўлармиди, ёмон гап тез тарқалади. Алижон кечкурун ишдан қайтунича хат можароси ғийбатчиларнинг асосий мавзуга айланиб бўлганди.

Алижон дили хуфтон бўлиб уйга кириб борди. Овқатланиб бўлгач, онаси хат хусусида гап очди:

– Ўғлим, сени шу ниятда ўстиряпманми. Энди катта йигит бўлиб қолди, отасининг ўрнини билинтирмай, укасингилларига оталик қилади, эл олдига обрўимни кўтарди, деб умид қилиб юрсаму сен мени тириклайин гўрга тикдинг-ку. Нега бировнинг гулдай хотинига тухмат қилдинг? Кабир аканг ўтган йили ҳам, бу йил ҳам газ, электр пулини тўлашда ёрдам берганини билардинг, энди унинг юзига қандай қараймиз, маҳаллада нима деган одам бўлди? Мен қайси юз билан кўчага чиқаман?!

Фатхулла хатнинг натижаси бу даражада аянчли тус олишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Кечаси билан ўйлаб чиқди. Кўзи сал илинса аллақандай кўрқинчли нарсалар бостириб келар, чўчиб ўйғониб кетарди.

Тонг чоғи Кабирнинг олдига бориб ҳаммасига мен айбдорман, деб айтиш учун йўлга чиқди. У Алижоннига бориб, онасига унинг айби йўқлигини ҳам тушунтириш учун бурилди. Дарвозани тақиллатмоқчи бўлиб яқинлашганда ҳовлининг оғилхона тарафидан:

– Навқирон кетди, болам!.. – деган она фарёди маҳаллани ларзага солди.

Фатхулла жойида қотиб қолди...

Содриддин ШАМСИДДИНОВ.

ҚАЛТИС

УЙНА

– Йўқ, Фатхулла ака, мен ичмайман, ҳали ёшман-ку, – деди.

– Бўйингни қара, мендан баландсан, кап-катта йигит бўлиб қолибсан-ку, бу ароқ эмас, ҳовлидаги узумдан солганман, маст қилмайди, – деди.

Алижон яна тихирлик қилганди, Фатхулла “ярим пиёла ичсанг бўлди”, деб зўрлаб ичирди.

Бироз таом ейилгач, яна бир пиёла ичган Алижоннинг боши чир айлана бошлади. Сўнгги пиёла мусалласдан кейин эса ўзини тамом идора қилолмай қолди.

Фатхулла энди муддаога ўтди.

– Алижон, маҳалладаги Кабирни яхши биласанми? – сўради.

– Ҳа, ҳ-ҳамма танийди у к-кишини, жуда сах-хий одам, – деди Алижон кўзлари юмилиб.

– Унинг бойлигидан фойдаланиш керак, камайиб қолмайди, – деди Фатхулла. – Бир ўйин уюштирамиз, буни сену мен биламан, бошқаларга чурқ этмайсан. Ўртадаги пулни арра қиламиз, – деди Фатхулла Алижонга яқинроқ келиб.

Алижон савол аломати билан Фатхуллага қараб:

– Нима, ўғрилиқ қиламизми? – сўради ранги ўзгариб.

– Йўғ-е, худо асрасин, мен келиб-келиб устозимнинг ўғлини жиноятга бошлайманми, бошқача йўли бор, келишдикми? – деди Фатхулла йигитнинг елкасига қўлини қўйиб.

Алижон бош ирғаб, рози бўлди.

агар иш бошқачасига айланса, ўзим унга тушунтираман. Қўрқма, сенга ҳеч нарса бўлмайди, – деди Фатхулла.

– Мени бунга мажбур қилманг, тухмат қилолмайман, – деди Алижон Фатхулладан ўзини олиб қочи.

– Э, мен сени ўғил бола десам, ойимтилла экансан-ку, эркак киши бир сўзли бўлади, бошида ўйинга кирдингми, энди нега хезалаклик қиласан, – деди Фатхулла.

Бу гап Алижонга оғир ботди. Индамай ўтирганди Фатхулла яна аврай бошлади. Охири уни кўндирди.

Алижон уйга келиб секингина хонасига кириб кетди. Эртасига ўрнидан турганида онаси ишга кетиб бўлганди. Мияси говлаб кетган, қарахт. Зўрға ювиниб тоғаси билан ишлаётган устахонага қараб кетди.

Бирровгина уйига келган Кабир машинасини кўчада қолдириб, уйига кириб кетганда Фатхулла хатни ҳайдовчи ўтирадиган ўриндикқа ташлаб, ғойиб бўлди. Кабир машинага ўтира туриб хатга кўзи тушди ва шошиб тургани учун кейин ўқийман, деб чўнтагига солиб қўйди.

Ишларини битириб тушликда дам олиб ўтирганида Кабирнинг ёдига хат тушиб, уни очди. Сатрларни ўқир экан, кимдир баданига игна санчиб олаётгандай бўларди. Наҳотки, жонидан ортиқ кўрган хотини шу даражага етган бўлса. Хат қисқагина эди. Унинг муаллифини танийди, отаси вафот этиб кетган, буйчан йигит.

Нима деган одам бўлди?

– Кабир ака, ойим сизни жуда яхши кўрадилар-де, келишингизга қовоқ манти ҳам пишиб турибди, – деди.

– Қани нарсаларингни йиғиштир, ўша яхши кўрган онангникига обориб ташлайман, – деди Кабир ўшқириб.

Ҳеч нарсага тушунмаган Сожида бақрайиб қараб турганди у чўнтагидан хатни олиб:

– Кўнгиллари ёш йигитларни кўмсаб қолибди. Тез-тез касал бўлишингиз бежиз эмас экан-да, – деди.

– Нималар деяпсиз, қанақа ёш йигитлар? Кабир ака тушунмаяпман, – деди Сожиданинг ранги ўчиб.

– Машинага чиқ, ҳе онангни!!! – Кабир сўқиниб Сожидани машинага ўтқазди.

Кўз очиб юмгунча машина етиб келди. Кабир хотинини жеркиб туширди ва хатни тутқазди:

– Қайтиб қорангни кўрсатма, болалардан ҳам умидвор бўлма, ўзим қарайман, – деб эшикни қаттиқ ёпиб, машинага газ берди.

Сожида дам қўлидаги хатга, дам машина ортидан қараб, анграйганча қолди. Машина овозини эшитган онаси чиқиб келди, қизининг ғалати ҳолатда турганини кўриб, ичкарига бошлади. Пешайвонга чиқиб ўтирганларидан кейин:

– Сожида, сенга нима бўлди, нега анграясан, тинчликми, болаларинг қани? – сўради у хавотир олиб.


Онасининг саволларидан кейин ўзига келган Сожида қўлидаги хатга кўз югуртирди. – Бу тухмат, онажон, тух-

2005 йил — СИХАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

СОҒЛИК — БОЙЛИКДИР

Оролбўйининг ноқулай экологик вазияти бошқалар каби Хоразм вилояти ички ишлар идоралари шахсий таркибининг соғлиғига ҳам салбий таъсир қилиши табиий. Шундай экан, тиббиёт ходимларининг асосий вазифаси уларнинг соғлиғи ёмонлашишига олиб келувчи омилларни камайтириш, пайдо бўлаётган касалликларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш чораларини кўриш ҳисобланади. Шу мақсадда ҳар йили тиббиёт бўлимига бириктирилганлар синчиклаб кўриқдан ўтказилади. Бундай тадбирларда барча мутахассис — шифокорлар ўз билим ва маҳоратларини ишга солган ҳолда тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

— Касалликларнинг бошланғич даври аниқлангач, беморлар диспансер назоратига олинади ва уларни поликлиникада, шифохонада соғломлаштириш чоралари кўрилади, — дейди вилояти ИИБ



тиббиёт бўлими бошлиғи, катта лейтенант Р. Сотлиқов.

— Ҳисобда турган сурункали касалликлар билан касалланган ходимлар эса доимий назоратда сақланади ва касаллик хуржидан олдин маълум даврда даволаш муассасаларида соғломлаштириш чоралари кўрилади. Шахсий таркиб орасида касаллик туфайли вақтинча меҳнатга яроқсизлик, умумий касаллиниш, ногиронлик ҳолатлари йилнинг ҳар чорагида таҳлил қилиб борилаётир. Шахсий таркибнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари, жисмоний тарбия ва спорт машғулоти билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилган. Фахрийлар, ногиронлар, ўзгаларнинг

ёрдамига муҳтож пенсионерлар, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган хизматчиларнинг оила аъзоларидан хабар олиш, лозим бўлганда улар поликлиника, шифохона, сиҳатгоҳларда даволанишлари, бепул доридармон билан таъминланишларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Сиҳат — саломатлик йилида Хоразм вилояти ИИБ тиббиёт бўлими ходимлари хизмат сифатини янада яхшилаш, бириктирилган аҳоли саломатлигини мустақамлаш учун зарур бўлган барча тадбирлар бажарилишини иш режасининг негизи қилиб белгилади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Суратда: вилоят ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, катта лейтенант Р. Сотлиқов шифохона бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, лейтенант П. Рўзиматов билан.

Муаллиф олган сурат.

СОЧНИ
ЎСТИРАДИГАН ГИЁХ

Тошкент вилояти ва Фаргона водийси далаларида, уй-жойларга яқин ерларда, ариқ бўйларида бир ажойиб ўсимлик учрайди. Унинг энг кўзга ташланувчи қисми пастки барглари бўлиб, уларнинг узунлиги ҳам, эни ҳам қарийб ярим метрга етади. Шунинг учун бўлса керак, русча номи лопух бўлиб, бунинг таржимаси “шалпангкулок” маъносини англатади. Ўзбекча номи эса қариқиздир (баъзан пахмоқ қариқиз деб ҳам аташади).

Қариқиз кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 60 сантиметрдан 180 сантиметргача бўлиши мумкин. Илдизи (ўқ илдизи) этли, унчалик шохланмаган, узунлиги 60 сантиметргача етади. Пояси тик ўсувчи, қиррали, қизғиш рангли, юқори қисми яхшигина шохланган, тукли. Пастки барглари ҳақида юқорироқда айтиб ўтдик, юқориланган сари барги майдалашиб боради.

Ўсимликнинг асосий шифобахш маҳсулоти — илдизидир. Шунингдек, барглари ҳам халқ табобатида қўлланилади.

Ҳозирги замон илмий табобатида қариқиз илдизи пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Илдизнинг бодом ёки зайтун мойида тайёрланган дамламаси “Қариқиз мойи” деб аталиб, сочни мойлаш ва шу орқали унинг тўкилишини камайтириш учун қўлланилади.

Фитотерапия (наботот шифоси) бўйича чоп этилган турли қўлланимларда қариқиз аллергия, астенция, гастрит, бавосир, гингвит, эркаклардаги жинсий заифлик, қанд касали, ўт пуфаги касалликлари, қичима, эшакем, темиртки, мастит, пешоб йўлларида тош ва кум йиғилиши, чипқон, остеохондроз, бошни қазғоқ босиши, никрис, буйрак тоши, саратон, соч тўкилиши, стоматит, ҳуснбузар тошиши, илон чақиши, кўз яра, экзема, энтероколит, ошқозон яраси ва бошқа хасталикларни даволаш учун тавсия этилади.

Илдизидан қайнатма таёрлаш учун 1 ош қошиқ майдаланган маҳсулот устига ярим литр сув қуйилиб, 10 дақиқа мобайнида қайнатилади, сўнг совутилади, доқада сузилиб, кунига 4 маҳал овқатдан олдин икки ош қошиқ истеъмол қилинади.

Яра-чақалар, куйган жойларни даволаш учун янги узиб олинган баргларини илиқ сувда чайиб, ўша ерларга қўйиш керак. Агар янги барглари бўлмаса, қуритилганларини илиқ сувда намлаб қўйилади.

Баргидан дамлама куйидагича таёрланади: 1 ош қошиқ маҳсулот устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб, 1 соат дамлаб қўйилди, сўнг доқада сузилиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат кейин ичилади.

Муштарийларимизга эслатиб ўтамиз. Қариқиз ёрдамида турли хил хасталикларни даволашда, албатта, мутахассис шифокор билан бамаслаҳат иш кўриш керак.

Ўлкамизнинг тоғлари, адирлари, далалари, қирларида ўсадиган ўсимликлар тури 4 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг қарийб 600 хили гўзаллиги билан бир қаторда шифобахш ҳамдир. Бизда шундай гиёҳлар борки, тиббий хоссаларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Куйида шундай фаройиб ўсимликлардан бири тўғрисида қисқача сўзлаб бермоқчимиз. Унинг номи қичитқи ўт бўлиб, газанда, чаён ўт деб ҳам аташади.



МИНГ ДАРДГА ДАВО

Қичитқи ўт Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларидаги тоғли ва тоғолди ерларда, сув ҳавзалари қирғоқларида, йўл ёқаларида, бутазорларда, хонадонларга яқин ерларда, чорбоғларда ўсади.

Ўсимликнинг барглари шифобахш ҳисобланади. Номидан маълумки, терининг очик жойига тегиб кетса, худди куйдиргандек бўлади, эт қизариб, яллиғланади. Шу сабабли унинг барглари териш, агар маҳсус усул қўлланилмаса ғирт азоб. Бу усул шундан иборатки, ўсимликнинг пояси эҳтиёткорлик билан ўриб олинади ва салқин жойда қуритилади. Сўлиганда тукларнинг қичитувчанлик хоссаси йўқ бўлади.

Барглари таркибида А, С, К дармондорилари, пантотенатки ва чумоли кислоталари, урицин, гликозида, бавосир, аёллар ҳасталиклари, қанд кас-

крахмал, ошловчи моддалар ва бошқа шу каби инсон организмга кучли биологик таъсир кўрсатувчи моддалар бор.

Замонавий илмий табобат қичитқи ўтни қон тўхтатувчи, қувват бағишловчи, яллиғланишни тузатувчи восита сифатида турли қон кетишларда, яраларни даволашда, асаб хасталикларида, камқувватликда, иштаҳа сусайганда ва бошқа шу каби касалликларни даволашда қўллашни тавсия этади.

Абу Али ибн Сино бу ўсимликни нафас қисиши, қабзият ва бошқа хасталикларни даволашда ишлатган.

Энди турли манбаларда қичитқи ўтни қандай хасталикларни даволашда тавсия этганини келтириб ўтамиз. Булар аллергия, астма, атеросклероз, бронхит, соч тўкилиши, гастрит, бавосир, аёллар ҳасталиклари, қанд кас-

ли, диатез, ўт йўли хасталиклари, қабзият, терининг қичишиши, эркакларнинг жинсий заифлиги, тутқаноқ, кўк йўтал, камқонлик, безгак, нефрит, семириш, терининг куйиши, совуқ уриши, бошни қазғоқ босиши, ичкетар, зотилжам, буйрак тошлари, радикулит, бод, оғиз яллиғланиши, сил, ҳуснбузар тошиши, пешоб йўллари-нинг яллиғланиши, экзема, энтероколит ва бошқалардир.

Кўриб турибсизки, ҳар бир ўсимлик бир олам. Тиббиёт ва доришунослик илми билан шуғулланувчи олимларимиз олдида бебаҳо меросимиз бўлган халқ табобати дурдоналарини чуқур ўрганиб, ҳозирги кун табобатида қўллаш ва шу йўл билан элимиз саломатлигини янада яхшилашдек улкан ва хайрли вазифалар турибди.

Шотурсун УСМОНОВ, доришунос.



Оқибат

Манзура билан Хатира боғчага қатнаётган болалари сабаб танишиб қолишди. Бу эса икки оилани (эркакларни ҳисобга олмаганда) кадрдонлаштириб юборди. Аёлларнинг турмуш ўртоқлари тез-тез хизмат сафарида бўлиши уларни янада яқинлаштирди. Манзура кўпқаватли уйда, Хатиранинг оиласи ҳовлида яшашар, бири ишлар, иккинчиси эса уй бекаси эди. Шу боис гоҳо Манзура ишдан кечроқ қайтган кунлари дугонаси қизларига кўшиб, унинг икки ўғилчасини ҳам боғчадан оларди. Болалар кенг ҳовлида маза қилиб ўйнаб-яйрашарди.

– Булар “дом”да нозик бўлиб ўсишпти. Ўғил бола болға-болталарни ишлатишни билиши керак. Унча-бунча ишларингиз бўлса буюриб, меҳнатга ўргатаверинг, дерди ҳазил аралаш Манзура.

Дугоналарнинг йиғинларда бел боғлаб бир-бириникида хизмат қилишлари яқинларининг ҳавасини келтирарди. Кўнжқўшнилари-ку айтмаса ҳам бўлади. Ҳар икки оила ўзига тўқ, назари бутун, тушунган бўлгани боис, икир-чикир, майда гапларга эътибор беравермасдилар. Фақат Хатиранинг уйида аҳён-аҳёнда эри билан низо чиқиб турар, лекин оилада нималар бўлмайди, дейсиз?

Йиллар ўтиб болалар биринкетин мактабга чиқишди. Ўғиллар аввал боғчада, кейин мактабда етти ёт бегона бўлишларига қарамай қизларга акаларча гамхўрлик, меҳр кўрсатишлари катталарни завқлантирар, фахрлантирарди. Ўз навбатида қизлар ҳам ака-акалар парвона бўлишарди.

Манзура ҳовлида катта бўлмаганми, нияти шундай жойда яшаш эди. Бетон уй соғлигига жиддий таъсир қилаётганди. У турмуш ўртоғи билан уй қидиришга тушди. “Дом”ини сотиб, етмаганига ака-ука-сидан қарз кўтарди, йиғиб-терганларини кўшди. Бироқ уй эгалари субутсиз одамлар экан. Пулини санаб олгач, нарх-наво ошганини рўқач қилиб, 100 минг сўм кўшиб беришсагина нотариал идорага боришларини айтишди. Эрхотин қийин аҳволга тушиб қолдилар. Фирромлиги учун жаҳл қилиб “олмайман” дейишса, улар икки дунёда ҳам пулни қайтариб беришмайди, кўшиб берақолайлик дейишса, уйни расмийлаштириш учун пулни қаердан олишади? Эри олдиндан икки ойлик иш ҳақи ҳисобидан қарз кўтарган. Манзуранинг арзимас маоши эса рўзгорга юқ ҳам бўлмайди.

– Мен ҳеч кимдан қарз сўрамайман, – гапни чўрт кесди эр.

Манзура тилла узук, зираги, чарм пальтоси ва яна бир-икки буюмини сотишга мажбур бўлди. Аксига олиб уларга ҳадеганда харидор чиқармади. Сотишга берган

нарсалари ҳисобидан Манзура қарз сўрамаган одами, бош уриб бормаган жойи қолмади. Ўзингда йўқ – оламда йўқ, деганларидек юз минг сўм ҳеч кимдан топилмади. Охири илинж Хатирадан. Лекин Манзура

муносабатларига пул аралашини сира истамаётганди. Бошқа иложи ҳам йўқда. Бир томондан дугонаси шундай кунда корига ярама-са, инсон-инсонга нега керак.

– Ўртоқжон, менга узоғи билан бир ойга юз минг сўм қарз бериб туринг. Бу юмларим сотилиши билан қайтараман, – деди Манзура.

Хатира бунга аллақачон тайёргарлик кўриб қўйгандек:

– Эссиз, кеча кечкурун акамга бор пулимни бериб юборувдим-а. Кеча сўрамасминдингиз, жон деб сизга берардим, – деди афсус билан.

Манзуранинг қоқ юрагини чақмоқ сингари бир олов кесиби ўтди. У мулзам бўлиб, сўраганига надомат чекиб, хомуш уйга қайтаркан, дугонасининг ёлғон гапириб, уни ўсал қилганидан қаттиқ ранжиди. “Нега мени алдади, нахотки пулни еб кетадиган номардга ўхшасам? Ё ҳовли олаётганимга га-йирлиги келдимикан? Нима учун бергиси келмади? Нахотки, шунча йил синашта бўлиб, қанақалигимизни билмасам? Ёки мендан бирор ёмонлик, шумлик, ранж-алам кўрганмиди... Кўнглида ишончсизлик, бирор гумони бор экан, шунча мулозамат, бордикелдининг нима кераги бор?”

Бу саволлар унинг кўнглини эзар, қайта-қайта эслаган сайин юрагини куйдираётганди. У ички бир сезги билан аниқ биладики, Хатиранинг пули бор, лекин нима сабабдан шаштини қайтарганининг сира тагига етолмади. Қолаверса, пул уники, хоҳласа беради, хоҳла-маса йўқ. Ўйлаб қараса, ноумид қайтарган битта у эмас-ку. Аммо негадир уники жон-жонидан ўтиб кетди.

Манзура бу ўйлардан ёмон туш каби тезроқ халос бўлишга уринди. Ўзини қўлга олиб аввалгидек муомала қилавериш, ранжиганини асло сиртга чиқармасликка аҳд қилди.

Уй икки ярим ой дегандагина расмийлаштирилди. Ёз чилласини кенггина ҳовлида, супа устида ўтириб ўтказаман, деб хаёл қилган Манзуранинг

энди... Додимни кимга айтаман! Бунгаям боққан бало бордир. Яхшиям эрим хизмат сафарида.

– Нима гап, тинчликми?! Бирор ёрдамим керак эмасми?

– Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Мен ўлай бировга яхшилик қилмай... – У бир оз ўйландими, йиғлади-ми яна гапира бошлади. – Анови, рўпарамдаги Раҳима ўлгур бор-ку, ўша виждонсиз, муттаҳам, ярамас хотин экан! Ноинсоф, ёлғончиларни нега ер ютмаскин-а... Илоё, ёлғон гапирган тиллари акашак тортиб, олган қўллари шол бўлсин! Бировнинг ҳақи тешиб чиқмаса рози эмасман...

Дугонасининг газабланганини кўрмаган, хунук қарғишларини сира эшитмаган Манзура тахтадай қотиб қолди.

билан бошқа жойга қўйган-дирсиз...

– Э, йўқ, нима ақлимни ебманми, қаерга нима қўйганимни билмасам. Олганини кўзлариям айтиб турибди. Илоё...

Манзура ғалати бўлиб кетди. Келиб-келиб бу гапни уч ой аввал юз минг сўм сўраб, ўсал бўлган одамга гапирасанми! Эй, номард, жилла қурса икки минг доллар демай, икки-уч юз сўм деб адасанг ҳам алами камроқ эди. Бу нима касалликми, ҳасадми, очкўзликми, қизғончми, ҳалиҳануз ёдига тушса англолмай қийналадиган одам учун бунни эшитиш...

– Ўзингизни босинг, яхшилаб эслаб кўринг-чи...

– Э, бунни эслайдиган жойи йўқ. Ўз қўлим билан қўйганман. Тез-тез текшириб турардим.

– Ички ишлар ходимини чақирмадингизми?

– Қандай чақира-ма-а-ан... Шунча пулни қаердан олдингиз деса нима дейман. Эримга билдирмай чўнтакларидан ўғирлаб йиққанларим дейманми? Эрим мени кўйиб юборди-ку нақд. Бу манжалақи мени ўтсиз куйдирди, куй-дир-ди-и-и...

Э, гап бу ёқда экан-да. Манзура фиғони

фалакка чиқаётган дугонасини ўз билганича юпата бошлади. Қизлари омон бўлса, ҳали бутун бойлиги олдинда эканлигини айтиб тасалли берди. Дардини айтгач, сала алами босилдими, кўшниси Раҳимани етти пуштигача дуоибад қила-қила Хатира гўшакни қўйди.

Манзура тақдирнинг бу ҳазилини қандай тушунишга ҳайрон бўлиб турганда, буви-си Хурбибининг гаплари ёдига тушди. “Эркакнинг чўнтагига қўл солган хотин – энг онкўр хотин”, дея бот-бот такрорларди раҳматли.

– Нега, – эсини таниганда сўраганди Манзура.

– Биринчидан, уйдан барака кетади. Иккинчидан, яқинлар билан алоқа бузилади. Учинчиси, шайтон бу уйга ин куради.

– Бу нима деганингиз, бувижон?

– Эркакнинг қўлида барака бор. У топган бир сўм пул хотин кишининг минг сўмига тенг. Аллоҳ шундай яратган. Эркак пул ўғриси билгунча, гумон қилавериб яқинларидан айрилади. Ўғри хотини эканлигидан хабар топгач уйдан безади, кўнгли совийди. Ўртадан ишонч, меҳр-оқибат кўтарилади.

Баъзан воғга етаётган ўғилларига қараб:

– Адаси, Хатиранинг қизлари одобли, тарбияли, меҳнаткаш-да. Кўз олдимизда ўсди. Синаштамиз, келин қилсак қалай бўларкин? – дея гап ташлаб қўядиган Манзура ўйланиб қолди...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ЭРИНИНГ ЧҲНТАГИГА ҚҲЛ СОЛГАН ХОТИН

орзуси ушалмади. Фақат ёзнинг сўнги кунларигина янги уйга кўчиб ўтиш насиб этди. Шунга қарамай “арзиманган” пул учун дугоналарнинг борди-келдиси узилмади. Манзура ўтган воқеани унутди, Хатира ҳам.

Телефон жиринглаганда Манзура ошни дамлаб, шакароб тайёрлаш тараддудини кўрарди. Бу

Назариди симнинг нариги учида вазмин, меҳрибон, художўй, муниса аёл эмас, кимнидир тилка-пора қилиб, ғажиб ташлашга тайёр бўлган маккор сиртлон тургандек туюлди.

У шунчалик зўр бериб қарғаяптими, демак жон-жонидан ўтадиган қандайдир хунук воқеа юз берган. Манзуранинг кўнглига ғулғула тушди.

– Нима бўлди ўзи! Болаларга бирор нарса қилдимми? – сўради у.

– Кеча тушдан кейин яшшамагур “пешинга яқин йиғиним бор, беш-олти-та меҳмон кутади-ганман. Катта манти қасқонингизни бериб турсангиз”, деб чиқибди. Катта қасқонни деярли ишлатмайман, ўзингиз биласиз. Шу боис ертўлада туради, доим. Мен ўлай, бировга яхшилик қилмай. Биласиз кўнглим очик. Беришга бердиму ичига икки минг доллар яшириб қўйганим эсимга тушиб, орқасидан югуриб чиқдим. Орадани ҳеч қанча вақт ўтмаганди ҳали. Чопиб борсам “ичида ҳеч нарса йўқ эди”, деб кўзини лўқ қилиб алдаб ўтирибди-я! Худони ўртага қўйиб, “қайтаринг” дедим. “Ҳеч нарса йўқ эди” деб турибди.

– Шошилманг, балки хаёл

Хатира бўлиб, нимадан каттиқ безовталиги шундоққина сезилиб турарди. Чала-чулпа ҳол-аҳвол сўрашаркан, Манзуранинг жавобини ҳам кутмай, “оёғини осмондан қилиб” гап бошлади:

– Ўртоқжон, кеча нақ ўли-иб қолай дедим. Ҳануз ўзимга келолмаяпман. Бу шаллақига қандай бас келаман-а



Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ИХХБ рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими бошлиғи, катта лейтенант

Таваккал МУРОДОВ ва унинг ўғли **ОЙБЕК**нинг бевақт вафот этганликлари муносабати уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ терговчиси, капитан Ш. Файзиёвга падари бузруквори

ЎЛМАС отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

БЕДАРАК ЙҲҚОЛГАН

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан 1987 йилда тугилган **Чарос Ғафуровна ХИДИРОВА** қидирилмоқда. Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси Охунбобоев кўчаси 7-уйда яшаган. Беруний номли педагогика коллежи талабаси. 2004 йил сентябрь ойида бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқ, сочлари узун, қора, кўзлари, қошлари қора. **Алоҳида белгиси:** қорнининг ўнг томонида кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқ бор.

Кийимлари: эгнида оқ кўйлак, оч жигарранг шим, кулранг пальто, оёғида қора рангли калта кўнжли этик бор.

Ч. Хидировани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёки Самарқанд вилояти ИИБга хабар беришларини сўраймиз.





УЙФОНИШ ВАҚТИ ЯҚИН.
Абу КЕНЖАЕВ фото этюди.

Турфа олам

ҒАРОЙИБ ТУХУМ

Дунёда не-не ажабтовур воқеалар юз бермайди, дейсиз. Яқинда Хитойдаги хонаки товуқ гаройиб тухум туғди. Уй эгасининг айтишича, у ярим кечаси товуқхонадан келган ғалати овоздан уйғониб кетади. Бориб қараса, узунлиги 8,5 сантиметр келадиган, қошиқ ёки муштукка ўхшаб кетадиган тухумга кўзи тушади. Одатдаги тухумлар 50-60 г келса, бу бор-йўғи 35 г тош босарди. Қизиқ, бу тухумдан қанақа жўжа чиқар экан? Ҳойнаҳой, тухумнинг ўзига ўхшаган қинғир-қийшиқ бўлиб чиқса керак-да.



аниқлашолмаган бўлишса-да, Гиннеснинг рекордлар китобига киритса арзийди, деган хулосага келишди. Улар бир-бирларига ҳойнаҳой, ўша товуқ туяқуш билан топишган бўлса керак", деб ҳазиллашишди.

XXI аср бошларида айнан товуқлар кўпроқ мўъжиза кўрсатишяпти. 1 январь куни германиялик паррандабоқарлар товуқхонага киришса, нақ 170 грамм келадиган, айланаси 20 сантиметрдан ошадиган тухумни топиб олишди. Ферма ишчилари бу қайси товуқнинг "иши" эканини

Илгарироқ, аниқроғи, 2004 йил баҳорида Белоруссияда бир товуқ 160 граммлик тухум туққанди. Қримдаги паррандачилик фабрикасида парваришланган "Шевер-579" зотли товуқ эса 176 грамм келадиган тухум туғиб, шу пайтгача жаҳон рекордчиси бўлиб келётган эди. Бу кетишда тез орада унинг ўрнини Германиядаги паррандалардан бири эгалласа ажаб эмас.

Латифалар

– Нега шифокорлар табобат соҳаси компьютерлаштирилишини унча ёқтиришмайди?

– Чунки уларнинг ёзувлари тушунарли бўлиб қолади-да.

– Намунча койийсиз, дада?

– Чунки мен сенинг ёшингда текинтомок бўлиб юрмасдим. Кечалари вагонларни бўшатардим... то тутиб олгунларича.

Киз:
– Демак келишдик, туш пайти – соат 12.00 да ўша жойда учрашамиз. Мабодо бирортамиз кечиксак...

Йигит:
– Унда мен кутиб тураман.

– Мен бўйнига шарф ўраб олиб энг олдинда югураётган анови спортчига қойил қолдим.

– Бўйнидаги шарф эмас, тили!...

КРИПТОГРАММА																																																								
6	10	1																																																						
9	3	7	11	10	8																																																			
5	4	6	10	1																																																				
2	7	5	10	8.																																																				
1. Марказий Осиёдаги республика.																																																								
2. Афғонистон шаҳари. 3. "Или-ада" муаллифи. 4. Нота.																																																								
5. Узум туғи. 6. Айлана қисми. 7. Осиё давлати.																																																								
8. Инглиз адиби. 9. Неъмат бунёдкори.																																																								
10. Аҳил. 11. Жоду. 12. Кимёвий модда. 13. Украин адиби.																																																								
14. Газлама. 15. Осиёдаги тоғ. 16. Қитъа.																																																								
17. Илк ўзбек овозли фильми. 18. Япония шаҳри.																																																								
19. Узоқ. 20. Удуг зот. 21. Европадаги пойтахт.																																																								
22. Қиш транспорти. 23. Идрок. 24. Учинч қурилмаси.																																																								
						1. Кўклам даракчиси.						13. Нефть ёқилгиси.			22. Металл арқон. 23. Бокс жойи.																																									
						2. Чегаралош давлат пойтахти.						14. Ўзбек шоири. 15. Тик.			24. Россия вилояти. 25. Ёлғиз.																																									
						3. Япония автомобилли. 4. Уя.						16. Парранда. 17. Ширинлик.			26. Илк ҳосил. 27. Гап бўлағи.																																									
						5. Кўҳна сарой. 6. Насрий асар.						18. Ёзув қондаси. 19. Авто чирок.																																												
						7. Муқаммал лугат. 8. Мақом.						20. Хўл мева. 21. Маго.																																												
						9. Катта идиш. 10. Эркак исми.																																																		
						11. Мансабдор унвони. 12. Хайрон.																																																		
												1																																												
												2						3																																						
																		4																																						
																								5																																
																														6																										
																														7																										
																																				8																				
																																										9														
																																																10								
																																																						11		

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН АЙЛАНМА СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Чуст. Бону. Кино. Шоли. Нота. Сато. Нома. "Наво". Лола. Тонг. Твен. Марв. Вена. Кели. Тўти. Неон. Орол. Озон. Боку. Қутб. Наср. Лима. Зеби. Бизе. Қазӣ.

<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p>		<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p>	<p>● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart ● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. ● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180 Tashkilotlar uchun – 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Boshiga topshirish vaqti – 21.00. Boshiga topshirildi – 21.00.</p>
	<p>Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV</p> <p>Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV</p>	<p>Navbatchi Qobiljon SHOKIROV</p> <p>Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV</p>				